



Тинчлик ва озоишталик — олий неъмат

Юксак маънавият — энгилмас куч

Эркин ва обод Ватанимизни янада юксалтириш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Ушбу ғояни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида кенг тарғиб этиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеаларни, уларнинг асл сабабларини тушунтириб берадиган ишларни олиб боришда имом-хатибларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Тошкент ислом университетида ўтказилган «Тинчлик ва озоишталик — олий неъмат» мавзuida республика амалий анжуманида бу борада диний соҳа ходимлари ва уламолар олдидан турган долзарб вазифалар ҳусусида сўз юритилди. Унда турли жамоат ташкилотлари вакиллари, имом-хатиблар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида виждон эркинлиги таъминланаётгани, миллий ва диний қадриятлар эъзозланаётгани мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини қарор топтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда диний таълимни ривожлантириш, бой илмий-маърифий ва маданий меросимизни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент ислом институти ва Тошкент ислом

университети, бир қатор ўрта махсус таълим масканларида ёшларга диний ва дунёвий фанлардан пухта билим берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қарори билан 2008 йил Самарқандда ташкил этилган Имом Бухорий халқаро маркази юртимиздан етишиб чиққан алломуларимиз ҳаёти ва илмий салоҳиятини ўрганиш, бунини халқимиз ва дунё жамоатчилигига таъиниш, шунингдек, диний ходимларнинг малакасини оширишда самарали фаолият юритаётди.

Бу ерда таҳсил олган ва малака оширган имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан анча фарқ қилади. Бугун дин вакиллари юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, огоҳ бўлиб бормоқда.

Зеро, Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови — бу тинчлик ва озоишталикдир.

Анжуманда баъзи араб мамлакатларида давом этаётган нотинчлик ва қуроли тўқнашувларнинг асл моҳиятлари таҳлил қилиниб, бунинг оқибатида тинч аҳоли азият чекаётгани таъкидланди. Муаммоларнинг ечими барча томонлар-

нинг қуроли қарама-қаршиликлардан воз кечиш, зиддиятларни муокаралар йўли билан ҳал этишда экани қайд этилди.

Ўзбекистон мусулмонлари бу мукаролар тезроқ барҳам топиб, тинчлик ўрнатилишини, вайрон бўлган мамлакатлар тикланиш ва тараққиёт йўлига тушиб олишини истади. Зеро, ислом таълимотида дунё барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин, деб таъкидланган. Қуръони Каримнинг юзлаб оятларида мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бағрикенгликка қақрилган.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачиқдай асраш, Ватанга садоқат, тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, диний ва миллий бағрикенглик ғояларини тарғиб этиш, ҳаёнда рўй бераётган турли низо ва қарама-қаршиликларнинг мазмун-моҳиятини халққа тўғри тушунтириш бора-сида яқдил фикрда эканликларини таъкидладилар.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва озоишталикни мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга теран қараш ҳиссини оширишда имом-хатиблар олдидан турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Анжуман иштирокчилари пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом маъмуси ва «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилдилар.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

Инновацион иқтисодиёт: ривожланиш омиллари

Давра суҳбати

4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан «Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш — инновацион иқтисодиёт ривожининг муҳим омиллари» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари И.Саифназаров олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ходимлари, ёш педагог-олимлар, ўзгилсанот, ўзнефтегаз, ўзфармсанот, ўзкимёсанот мутахассислари, истеъдодли талабалар, Ўзбекистон «Адолат» СДП фаол ёшлари, фракция аъзолари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган ва очик-ошкора тарзда ўтган суҳбат чоғида иштирокчилар олий таълим муассасалари ҳамда мамлакат иқтисодиётининг реал сектори ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка эришиш, бу

ҳамкорликнинг истиқболлари ҳамда айрим мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида ўз қарашларини баён қилдилар.

— Республикаимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов. —

Давоми 2-бетда ➤

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган сиёсатнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Бош Қомусимиз —

истиқлол мафкураси ғоялари
сингдирилган миллий
манфаатларимиз инъикоси

Масалан, Бош Қомусимиз — Конституциямизнинг бирор-бир моддаси йўқки, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлмаса. Ҳатто унинг муқаддима қисмидаёқ «ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда» деган иборанинг келтирилиши — Конституция, нафақат бугунги кун нуқтаи назаридан, балки, келажак авлод, ҳусусан, ёшлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда қабул қилинганлигини билдиради. «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланувчи 2-бўлимда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари ҳамда конституцион қафолатлари тўғрисидаги қоидалар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Умумий қоидага кўра, мамлакатимиз фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидан тенгдирлар. Айниқса, ёшларга яратилган кўплаб имкониятлар қатори нафақат юртимизда, балки, чет мамлакатларда ҳам ўқиш ва ишлаш имкони берилган. Масалан, Конституциянинг 22-моддасига кўра, Ўзбекистон фуқаролари республикамиз ҳудудида ҳам, унинг ташқирисидан ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ҳамда уларга ҳимойлик кўрсатилиши тўла қафолатлаб қўйилган.

Давоми 4-бетда ➤



Баркамол авлод тарбияси барчамизга дахлдор вазифа

Муносабат

Ўқитувчи ва мураббийлар куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Мана, ўн олти йилдирки, бу қутлуғ кунни ҳаётимиздаги энг улуғ ва энг азиз шодиёна бўлган мустақиллик байрамиимизнинг давоми сифатида қутиб оламиз.

Бу байрам ҳаммамизга бирдек дахлдорлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, ҳаммамиз ҳам ўз вақтида устоз-мураббийлардан сабоқ олганмиз, уларнинг қайноқ меҳри ва

шу боис қўлимизга илк бор дафтар-қалам тутқазиб, хат-саводга ўргатган фидойи муаллимларимизни доимо ёдимизда тутамиз, айна пайтда, шоғирдларимиз эришаётган ютуқлардан мамнун бўлиб, уларнинг хурсандчилигини ғойибона баҳам кўрамыз.

Давоми 5-бетда ➤

Миллий тиббиёт: тараққиётнинг янги босқичи

Анжуман

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, доволаш муассасаларининг моддий техника базаси мустаҳкамланаётганлиги, кадрлар тайёрлаш тажрибаси ва амалиёти, муаммо ва ечимлар» мавзuidaги матбуот анжумани ўтказилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган биринчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шифохона тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Вилоят марказларида эса катталар ва болаларга ихтисослашган тиббиёт муассасалари бунёд этилди. Оналик ва бо-

лаликни муҳофаза қилиш, турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган тиббий марказлар, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

— Мамлакатимиз миллий тиббиётида янги тизимга асос солинди, — дейди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худайров. — Бу шифохона тиббий ёрдам илмий маркази бўлиб, эндиликда Ўзбекистон тиббиётининг ажралмас қисми ва мукамал тармоғига айланди.

Давоми 8-бетда ➤

Танловга марҳамат!

Асосий
Қонунимиз —
юксалишлар
қафолати

8-бет



«ОБУНА — 2013»
«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун
обуна бошланди!
Вақтида обуна бўлишни унутманг,
ана шунда газетани излаб овора бўлиб
юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга
ёки уйингизга кириб келади!
«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!
Нашр кўрсаткичи 100.

Инновация
Долзарб ишланмалар
саноат корхоналарида
эришилаётган иқтисодий
самараларда бўй
кўрсатмоқда
5



Партия ҳаёти

Сиёсий ўқиш

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш демократик жамият куришнинг муҳим омилidir. Кейинги йилларда қонунчилигимизга киритилаётган ўзгаришлар, давлатимизнинг бугунги сиёсатидан фуқароларни хабардор этиб бориш ҳамда тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада депутатлар ва сайловчилар ўрта-сидаги алоқалар мустаҳкамланиб борапти.

Ҳамкорлик натижалари

тарғибот тадбирлари савиясида намоён бўлади

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши томонидан 2012 йил 30-31 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси материаллари, ёшлар тарбияси ва мустақиллик йилларида эришилган ютуқларга бағишлаб жойларда ўтказилган сиёсий ўқишларда ҳам айтиш шуниси алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Андижон туманидаги Харабек қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган сиёсий ўқишда Парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида қўрилган масалалар, «Адолат» СДП Сайловчилар дастурида алоҳида таъкидлаб ўтилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислохотлар, жамоатчилик назоратини кучайтириш, бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойиллари, адолатлилик ҳолати юзасидан фикрлар алмашилди. Тадбирда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг раислари, маслаҳатчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок эттиди.

Албатта, Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар республикамиз ҳаётида катта аҳамиятга эга, — деди Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчиси М.Каримова, — Шундай экан, фуқаролар орасида бу борада тарғибот ишларини олиб бориш олдимиздаги долзарб вазифалардан бири демакдир. Чунки биз фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини қанчалик юксалтирсак, уларда жамиятимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшиш тўғрисида янада ортади. Ҳуқуқий маданият юксак бўлган жамиятда эса ҳаммаша қонун устувор бўлади.

Партия фаоллари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раислари томонидан кенг жамоатчилик орасида тарғибот ишларини олиб бориш юзасидан тавсиялар берилди. Ўқув-семинар якунида кун тартибиде қўрилган масалалар юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш Концепциясидаги устувор вазифалар ижроси ва унинг тарғиботига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоят партия Кенгаши фаолиятида кейинги йилларда фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилмоқда. Бу ҳамкорликдаги фаолиятни кучайтириш билан бирга партиямиз хайрихоҳлари савияси ҳам кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қўрғонтепа тумани Кенгаши ташаббуси билан тумандаги Дардақ қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам партиядошларимиз билан тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилган. Мазкур қишлоқда партиямиз фаоллари томонидан ақинда ўтказилган давра суҳбати Концепция тарғиботига бағишланди.

— Концепция ҳар бир фуқаро учун жамиятимиз ривожини йўлида муҳим дастуриламал бўлмоқда, — деди партиянинг Қўрғонтепа туман кенгаши раиси Ф.Сиддиқова. — Чунки унда Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли, фуқаролар олдида турган вазифалар аниқ очиб берилган. Айниқса, Концепцияда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш хусусида билдирилган фикрлар фаолиятимизни янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Асака туманидаги «СМ-УЗ» ЁАЖ, Балиқчи туманидаги Эски Ҳаққулбод қишлоқларида партиядошларимиз ташаббуси билан ташкил этилган тадбирларда ҳам Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини юксалтириш, партиямизнинг сайловолди дастури хусусида сўз юритилди.

Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган бу каби сиёсий ўқишлар фуқароларимизнинг сиёсий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бораберида худудий партия ташкилотларимиз, депутатлик гуруҳларимиз ҳамда фаолларимизнинг сайловчилар билан алоқаларини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП, Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Инновацион иқтисодиёт: ривожланиш омиллари

Давоми. Боши 1-бетда

Бу жараёнда таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият институтларининг ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада таъминланди. Жумладан, олий маълумотли кадрлар сифати ва сони давлат ҳамда жамият эҳтиёжларига мутаносиб келишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Муайян миллатнинг тараққиёт даражасини белгилловчи мезонлардан бири — шубҳасиз, унинг таълим тизими нечоғли ривожлангани билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳани тубдан ислоҳ қилишга киришилди.

Бугун замона шиддати шу даражада тезкорки, у билан ҳамқадам юриш осон эмас. Давр бошқа соҳалар қатори таълим жабҳаси олдида ҳам янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Таъбир жоиз бўлса, бугун замондан олдинроқ юриш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ана шу эҳтиёж самараси бўлганини эътироф этиш зарур.

— Албатта, фан ва технологияларнинг илғор ютуқларига таянмасдан, олий ўқув юрти фани секторини ривожлантириш

масдан олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш имконсиз, — деди Олий ва ўрта махсус таълими вазир ўринбосари Шухрат Қаюмов. — Қарордаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган Дастур доирасида олий ўқув юрларида 15 та замонавий лаборатория мажмуалари яратиш кўзда тутилган бўлиб, булардан 7 таси жойлардаги олий ўқув юрларида бевосита энергияни тежаш ҳамда энергиянинг қайта тикланадиган манбалари, оптика, кимё технологиялари ва нефть ва газни қайта ишлаш, энергия тежовчи қурилиш материалларини тақомиллаштиришга йўналтирилган. Шунингдек, Дастурга мувофиқ, 63 та табиий фан ва 233 та техник фанлар бўйича ўқув лабораториялари тўла янгиланди. Ахборот технологиялари, аграр сектор, қишлоқ хўжалиги ва меъморчилик, нефть ва газ ҳамда геология-қидирув тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлашнинг янги йўналишлари жорий этилди.

Соҳадаги аҳволни янада яхшилаш мақсадида биринчидан, кадрлар тайёрлаш жараёнининг барча иштирокчилари: олий таълим тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори, жойлардаги давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари, шунингдек, бошқа манфаатдор шерикларнинг ижтимоий ҳамкорлигини таъминлашга, иккинчидан эса олий таълим сифатини янада



ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанин доимий ўзгариб бораётган эҳтиёжларига тез ва муносиб жавоб топиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Бизнес, фан ва таълим вакиллари узоқ муддатли инновацион лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш имконини берувчи механизмлардан бири олий ўқув юрлари базасида илмий-амалий платформаларни яратишдир. Бундай ёндашув олий ўқув юрларига иқтисодиётнинг реал сектори манфаатлари учун тадқиқот ишлари олиб бориш, кичик бизнес ва инновацион тадбиркорликни янада ривожлантириш имкониятини яратувчи таълим-тадқиқот-консалтинг хизматларини илгари суришнинг электрон автоматлашган тизимини яратган бўларди.

Давра суҳбатида олий ўқув юрлари ва бизнес ҳамкорлиги асосида иқтисодиётнинг асосий секторларини технологик модернизациялашнинг худудий стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди. Худудлар ҳамда йирик шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда олий ўқув юрлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги алоҳида эътироф этилди. Зеро, соҳадаги барча саъй-ҳаракатлардан асосий мақсад олий таълим сифатини янада ошириш, мамлакат барқарор ривожланишининг муҳим омили бўлган юқори малакали, кенг билимга эга, юксак маънавиятли мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Шубҳасиз, мамлакатимиз

да инновацияга асосланган иқтисодиётни ташкил этиш тарафдори ҳисобланган Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўз дастурий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда мазкур жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, фундаментал фанларга етарли даражада эътибор қаратиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш; илм-фан ва таълимга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни, янги технологияларни жалб қилиш; сифатли таълимдан фойдаланишни таъминлаш бўйича қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишга эришиш партиянинг устувор вазифаларидандир.

Феруз ЖўРАЕВ,
«Адолат» мухбири

Амалий ишларимиз кўпайса,

одамларнинг партияга бўлган ишончи хайрихоҳлиги ортади

Депутатлик гуруҳларида


Бугунги кунда таълим муассасалари кенг, шинам, замонавий талаблар асосида жиҳозланган хоналар, компьютер, унга узлуксиз равишда ўланиш имкониятини берувчи катта тезликдаги интернет тармоқлари билан таъминланган. Ёшларимизнинг бу имкониятлардан унумли фойдаланаётганликлари эса барчамизни мамнун этади.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган давра суҳбатларида иштирок этаётган талаба-ёшлар, ўқувчи ўғил-қизларнинг дунёқарashi, билим-савияси кенглиги улар томонидан йўлланаётган саволларда акс этиб туради. Мамлакатимизда ва жаҳонда ўз бераётган янгиланган бобабарлиги ва ҳаётга теран ҳамда замонавий руҳда қарашларини кўриб дил қувонади. Айниқса, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, иқтисодий мавзулар

да мутахассислар билан тенг-тенг баҳслаша олишлари, ечимини кутаётган муаммолари вазиятларини ҳал қилиш юзасидан бераётган конструктив тақлифлари эртанги кун янада порлоқ эканлигига ишонч ҳиссини оширади.

Айтиш керакики, ана шундай кенг муваффақиятлар соясида баъзи муаммолар қолиб кетмоқда. Булар эса ислохотлар самарасига салбий таъсир ўтказмоқда.

Хусусан, бугун мамлакатимизда тиббиёт олийгоҳларида етарлича малакали ёш шифокорлар тайёрланмоқда. Вилоятимиздан ҳам кўплаб ёшлар



Исомиддин ХОЛМИРЗАЕВ,
Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутати

таълим олмоқда. Бироқ тақлиллари шуни кўрсатадики, баъзи туманларимизда олий маълумотли шифокорлар етарли эмас. Бу эса жойларда бичирувчи талабаларни ишга жалб қилиш яхши йўлга қўйилмаганини кўрсатади. Депутатлик гуруҳимиз Халқ депутат-

лари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига мазкур масала юзасидан тақлиф тайёрламоқда.

Бундан ташқари, депутатлик гуруҳининг иш-режасидан ўрин олган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари худудий дастурларнинг бажарилишини мониторинг қилиб бориш каби вазифалар амалга оширилмоқда. Қонунлар ва қарорлар ижроси юзасидан жамоатчилик фикри, аҳолининг талаб ва тақлифлари ўрганилиб, булар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти органларида маълум қилиб берилмоқда.

Амалга оширилаётган ва режадаги вазифалар юзасидан сайловчилар ва аҳолининг фикрлари ўрганилмоқда, уларнинг тақлиф ва истаклари ечимга жалб қилиш амалий ва муқобил тақлифлар механизми ишлаб чиқилмоқда. Масалан,

ана шундай тадбирлар натижасида Бахмал, Зомин, Мирзачўл туманларининг қишлоқ ва овулларида ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган фуқароларга амалий ёрдам берилди ва паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик қорхоналари ҳамда иссиқхоналар ташкил этилди.

Албатта, фаолиятимизда баъзи муаммолар ҳам учраб турибди. Масалан, партиямизнинг ижтимоий ҳамкорлари билан алоқа яхши йўлга қўйилмаган. Партия дастурий вазифаларини амалга ошириш борасидаги ишларни ҳам тўла ижобий, деб бўлмайдим. Жойлардаги партия ташкилотлари билан мунтазам алоқа ўрнатилган, дея олмаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш керакики, эркин фаолият юритишимиз учун барча имкониятлар етарли. Шундай экан, амалий ишларимиз кўпайса, одамларнинг партияга бўлган ишончи, хайрихоҳлиги янада ортади.

Аъзолар фаол бўлса

фаолият ҳам самарали бўлади

Бошланғич ташкилотларда

Партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, партия дастурий мақсад ва ҳолатларини одамлар орасида кенг тарғиб қилиш бошланғич партия тузилмалари фаолиятида катта ўрин тутаяди. Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Тошкент шаҳар Кенгашидаги 6500 нафарга яқин партия аъзоси 228 та БПТга бирлашган бўлиб, улар орасида партия электорати манфаати йўлида турли ташаббуслар билан чиқаётган, дастурий вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келаётган сафдошлар кўпчиликини ташкил этади. «Ўзбекистон МТРК Медиамаркази» давлат унитар қорхонаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти ана шунлардан бири.

Фаолиятини яқиндагина бошлаган ва ҳозирги кунда 40 нафардан зиёд партия аъзосини бирлаштирган ушбу БПТда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги, шунингдек, партия фаолиятидаги муҳим воқеалар ҳамда дунёдаги ўзгаришлардан ўз аъзоларини хабардор қилиб бориш изчил йўлга қўйилган. Бу жараёнда бошланғич ташкилот ишини янада жонлантириш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, пировардида, қуйи бугун фаолиятини жонлантиришга сезиларли таъсир ўтказаяпти.

Пойтахтимиз марказида бунёд этилган «Ўзбекистон МТРК Медиамаркази» давлат унитар қорхонаси бугунги кунда энг юксак ва сифатли техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Махсус лойиҳа асо-

сида қурилиб, дунёнинг энг ривожланган давлатларида ишлаб чиқарилган теле-радио ускуналари ва техника воситалари билан таъминланган мазкур марказда БПТ аъзолари фаолияти учун ҳамма шароит муҳайё.

Мазкур бошланғич партия ташкилотиде партия ҳолатларини тарғиб этишга қаратилган турли ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари билан бир қаторда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳам яхши анъанага айланди. Шундай тадбирлардан бири ақинда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан бўлиб ўтди. Партиянинг Шайхонтоҳур тумани кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касбунахуна ва олий таълим муассас-



саларининг илғор ўқитувчилари, фидойи мураббийлари, талабалар, партия фаоллари иштирок этдилар. Унда сўзга чиққанлар юртимизда таълим тарбия, маънавият ва маърифат соҳасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар ёшларни Ватанимизга, буюк аجدодларимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётганини, бу жараёнда Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам кенг қамровли фаолияти билан самарали ишти-

рок этиб келаётганини таъкидладилар. Тадбирда фидойи ўқитувчилардан бир гуруҳига Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг эсдалик совғалари, шунингдек, аъзоликка қабул қилинганларга партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Таъкидлаш лозим, бошланғич партия ташкилоти тадбирлар ташкил этиш билан чекланиб қолмай Шайхонтоҳур туманидаги тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик-

да меҳнат ярмаркалари ўтказиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратапти. Буларнинг ҳаммаси партиянинг жамият ҳаётида нуфузи ортишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

Партиямиз ғояларига ишонч ортиб бормоқда

Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Дилбар Ҳамдамова “Adolat” газетаси мухбири саволларига жавоб беради



— Бугун ҳаётнинг ўзи сиёсий партиялар зиммасига улкан масъулият юклямоқда. Атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳар бир фуқародан сиёсий ҳушёрлик ва огоҳликни, юксак ҳуқуқий маданиятни талаб этмоқда. Ана шундай вазифалар ижроси сиёсий партиянинг ҳар бир бўғини, яъни бошланғич ташкилотлардан тортган партияларнинг парламентдаги фракцияларигача фаол, ташаббускор бўлишни тақозо этади. Зеро, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар сиёсий партияларнинг ҳуқуқий имкониятларини янада кенгайтди. Айтинг-чи, ушбу имкониятлардан вилоят кенгаши аъзолари қандай фойдаланмоқдалар?

— Ўзбекистон “Адолат” СДП юқорида таъкидланган концепция асосида дастурий максادلарини изчиллик билан амалга оширишга қиришганлигини таъкидламоқчиман. Хусусан, партиянинг Бухоро вилоят кенгаши ҳам фаолиятини танқидий баҳолаб, йўл қўйилган камчиликлари ва нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқда.

Фаолиятимиз жараёнида энг аввало, қаерда қандай ҳа-

толарга йўл қўйганимизни аниқлаб, уларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилдик. Чикариладиган ҳулоса битта. Агар парламентда электратимизни ўйлантираётган масалалар юзасидан тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилмаса, тегишли вазирлик ва идораларнинг қабул қилинган қонунлар ижроси бўйича ҳисоботларини тинглаш йўлга қўйилмаса, депутатлик гуруҳларининг фаолиятини кескин жонлантириб, уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари устидан назорати кучайтирилмаса, қуруқ ваъдалар ва сўзамолликдан нарига ўтолмасак, сайловчи ишончидан маҳрум бўлишимиз аниқ. Бунга жазон сиёсий партиялари тажрибаси ҳам исботлайди.

Биз бугун ишимизни такомиллаштириш учун, аввало, туман, вилоят кенгашлари депутатлари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришимиз лозимлигини тушунаёلمиз. Бунда эса бошланғич ташкилотлар билан кенгашлар алоқаси жуда муҳим ўрин тутди. Сабаби БПТлар жойларда партиямиз электротириш қандай масалалар кўпроқ қизиқтираётганини яхши билдилар. Биз электро-

ратимиз кун тартибига қўяётган масалаларни билмай туриб, амалий фаолиятимизни кучайтира олмаймиз. Шунга назарда тутиб, ўтган вақт мобайнида “Адолат” СДП Бухоро вилоят Кенгаши фаолларни, БПТ, депутатлик гуруҳлари аъзоларини ташкилий ҳамда мафкуравий жиҳатдан жипслаштириш йўлида иш олиб борди. Натижада партиямиз фаолияти сезиларли даражада яхшиланди.

— 2012 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида депутатлик гуруҳлари қай даражада фаоллашди? Хусусан, ҳозирча қандай ишлар амалга оширилди?

— Жуда тўғри саволни ўртага ташладингиз. Чунки партиянинг бўйи кўп жиҳатдан ташаббускор депутатлик гуруҳлари фаолиятининг қай даражада тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Бугунги кунда депутатлик гуруҳлари аъзолари ташкилий таркибий жиҳатдан тегишли комиссияларга бириктирилган ва ўзларининг сайловолди дастурларида келиб чиққан ҳолда иш режаларига эга бўлдилар. Улар жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан қатъий жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган вақт мобайнида халқ депутатлари Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, Ромитан ва Шофиркон туман кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолияти чуқур ўрганилди. Партия гуруҳлари раҳбарлари Давлат ва ҳудудий дастурлар, партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши, вилоят ва туман сессияларида гуруҳлар томонидан кўтарилиб чиқилаётган масалалар ва маърузалар юзасидан ҳисоботлар беришди.

Тўғри, маҳаллий депутатларимизнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги иштирокидан доим ҳам қониқармаймиз. Таъкидлаш керакки, депутатларимиз жойларда аҳоли томонидан билдирилаётган

тақлиф, ташаббус, ариза ва шикоятлар юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли идораларга депутатлик сўровномалари билан чиқмоқдалар. Шу билан бирга, “Адолат” СДП вилоят кенгаши томонидан ташкил этилаётган тадбирларда мунтазам иштирок этиб келишмоқда. Кенгаш аъзолари депутатлар билан биргаликда сайлов округларида дастурлар бўйича белгиланган тадбирлар ижросини жойига бориб ўрганиш, мавжуд муаммолар ва аниқланган камчиликларни биргаликда бартараф этишга кўмаклашиб, долзарб масалаларни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва доимий комиссиялар йиғилишлари муҳокамасига киритишга ҳаракат қилишмоқда. Ўндан ортиқ сайлов округларида сайловчиларни депутатлар билан учрашувлари ташкил этилди. Уларда фуқароларни Президент фармон ва қарорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган қонун ва қарорлар билан мунтазам таъминлаб беришмоқда. Бу каби тадбирларда партия дастурий ғоялари ва сиёсий етказиш билан бирга, сайлов округларидаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари қўйилмоқда. Фуқароларни қабул қилиш самардорлигини ошириш, улар томонидан кўтарилган муаммоларни назоратга олиш ва ечимини топиш, бу борада депутатлик сўрови тажрибасидан янада кенг фойдаланиш мақсадида депутатлар сайланган округларда депутатлик қабулхоналари ташкил этилди.

Ушбу фаолиятнинг самараси сифатида 2012 йилнинг биринчи чорагида бўшаб қолган депутатлик ўринларига бўлиб ўтган сайловларда “Адолат” СДПнинг 4 нафар номзоди ғалаба қозонди. Бу албатта буюхоролик сайловчиларнинг “Адолат” партияси ғояларига ишончи ошиб бораётганидан далolat беради.

Шунингдек, депутатлик гуруҳи аъзолари жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш,

янги инвестиция лойиҳаларини жалб қилиш, захирада турган имкониятларни ишга солиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга мўлжалланган ҳудудий дастурларда фаол қатнашишяпти. Бироқ айрим жойларда депутатларимизнинг ҳудудларида қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларидан ўзларини беҳабардек тутишлари кишини ажаблантиради. Аслида эса айнан депутатлар дастур лойиҳаларини аввалдан муҳокама қилишлари, ўз тақлиф-мулоҳазалари билан уларни шакллантиришлари лозим-ку. Биз бугун ана шундай камчиликларни бартараф этиш устида ишляпмиз. Энг муҳими, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун асосида яратиб берилган имкониятлардан тўғри ва тўлиқ фойдаланиш ҳадисини ўзлаштириб олсак, марра бизники бўлади.

— Маълумки, партиянинг сиёсий фаолиятини жонлантириш учун БПТлар ишини янада кучайтириш лозим. Лекин айрим ташкилотлар БПТлари фаолиятида талайгина камчиликлар мавжуд. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда?

— Айни пайтда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ижтимоий ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектлари қошида 134 та бошланғич партия ташкилоти ташкил этилган. Улар бугун аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаолликларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ тан олиш керакки, БПТларнинг барчаси ҳам намунали тарзда фаолият кўрсатмоқда, деб айтолмаймиз, уларнинг айримлари фаолияти бугунги кун талабига жавоб берадими. Бу бевосита БПТ раисининг партия билан қисман алоқаси узилиб қолга-

ни, жамоат ишидаги фаолияти сустлиги билан ҳам боғлиқ. Шу боис ўтказилаётган ҳисобот йиғилишлари даврида партиянинг бундай куйи бўғинлари фаолиятини ўрганиб чиқиш, раҳбарликка муносиб номзодларни тавсия этиш ва мунтазам равишда сиёсий ўқувларни ташкил этиб бориш, етук кадрлар захирасини тайёрлашда янги, самарали услубларни жорий этиш режасини амалга оширишга интиляпмиз.

Мустаҳкам оила йилида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган давлат дастури ҳамда амалдаги ҳудудий манзилли дастурлар доирасида вилоятга инвестиция жалб этиш орқали оилавий бизнес ва касаначилик фаолиятини ривожлантириш, қурилатган ва реконструкция қилинаётган мактаб, коллеж ҳамда ижтимоий соҳа объектларида олиб борилаётган ишлар юзасидан жамоатчилик назорати ҳамда мониторинг олиб бориш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш масалалари юзасидан партия ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда режа асосида фаолият олиб бораёпмиз.

— Ёшлар эртанги кун эгалари деган иборани жуда кўп ишлятамыз. Партиянинг Бухоро вилоят Кенгаши ёшларни ўз ортисидан эргаштириш, уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, ёшларни зарарли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш учун қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Юртимизнинг қай гўшасига борманг, яратувчанлик ва бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Бундан кўндала, тутилган мақсад эса мамлакатимизнинг илғор-мамлакатлар билан бир сафда тараққий этишини мустаҳкамлаш. Зеро, ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, Ўзбекистонимизнинг шу ҳақиқат дунёга таралмоқда. Айни чоғда бу буюк жараённинг шунчаки кузатувчиси эмас, фаол иштирокчиси бўлишга, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида ўз ўрнини топиш-

га интилиш зиммамизга катта масъулият юкляйди.

Бугун ҳар соҳада ёшларнинг дадил овозини эшитиш мумкин. Меҳнат жамоаларида дунёқараш истиқлол йилларида шаклланган, ўзи танлаган касбига оид дунёвий тажрибалардан яхши хабардор, замонавий илғор технологиялар билан ишлашга, мустақил фикр юритишга, қарор қабул қилишга қодир ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани бизнинг бугунги ва эртанги кунимиз муваффақиятларини таъминлайди десак, хато бўлмайди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши “Еш адолатчилар” қаноти “Қамолот” ЁИХ Бухоро вилоят бўлими ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда вилоятдаги маҳаллаларда ёшларда ватанпарварлик, юрт тақдирига дахлдорлик туйғулари ўстириш, ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетини ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида “Ватаним тақдирини — менинг тақдирим”, “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!”, “Истиқлол: Ислохотлар моҳияти, тараққиёт, халқ ҳаёти ва демократия”, “Мафкуравий кўпорувчилик ва унинг ёшлар онгига таъсири”, “Депутат ва ёшлар”, “Ёшлар ва сиёсат” мавзуларида қатор тадбирлар уюштирди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилоят партия ташкилотининг асосий мақсади мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидаги ислохотларда фаол иштирок этиш, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, маънавият ва маърифат қарор топган фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш каби партияимизнинг халқчил ғоя ва мафкурасини кенг тарғиб қилишдир. Биз барча саъй-ҳаракатларимизни ана шундай эзгу мақсадлар сари қаратганмиз.

Раис нега назардан четда қолди?

«Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш бўйича талаби қай тарзда бажармоқда?

Ўз-ўзини танқид

— Вилоятдагилар менинг ўрнимга янги раҳбарни лозим топишди, — дейди «Адолат» СДП Тайлоқ туман Кенгашининг собиқ раиси Рустам Муродов. — Сиёсий-ташкилий ишларга баъзан вақт топа олмаган бўлишим мумкин...

Буниси қизиқ бўлди-ку. Очиги, биз партиявий ишларнинг аҳоли ва уни яхшилаш чоралари ҳақида суҳбатдошимиздан бошқача жавоб кутган эдик. Бироқ собиқ раҳбар сайллаш масаласида ўзининг хоҳиш-истаги инобатга олинмаганидан ўпканангани айтиш билан ки-фояланди, ҳолос. Бу ҳақда кейинроқ мулоҳаза юритамиз. Ҳозир эса «Адолат» СДПнинг вилоят Кенгаши бугунги сиёсий талаблардан келиб чиқаётган ҳолда ўз фаолиятига қай даржада танқидий ёндашаётганлиги хусусида тўхталаск.

Даставвал шунини таъкидлаш лозим, партиянинг вилоят Кенгаши жамиятдаги янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этиб, сиёсий рақобатда муносиб ўрин эгаллаш учун таъсирчан чораларни қўллаб келмоқда. Асосий эътибор маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, партия Кенгашларида ҳар битта депутатнинг ҳисоботи эшитилишини таъминлаш, БПТларнинг фаолиятини тубдан яхшилаш ва партия фаоллари ўртасида

сиёсий таълим самарадорлигини кучайтиришга қаратилмоқда. Бу бексиз эмас. Чунки маҳаллий Кенгашларга навбатдаги сайловларга тайёргарлик ҳозирданок бошлаб юборилган. Партиянинг нуфузи эса кўп жиҳатдан сайлов натижаларига, унинг вакилларига кўпчиликнинг ишонч билдиришига боғлиқ.

— Маҳаллий Кенгашларга депутатлик учун бўлиб ўтган такрорий сайловларда «Адолат» СДП нинг 7 нафар аъзоси ғолиб чиқиб, вакиллар рўйхатини кенгайтиришгани қувонарли, албатта, — дейди партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мастура Шарипова. — Аммо бу натижа бизни қаноатлантиради деб хотиржамликка берилишимиз керак эмас. Рақобатда кураш ҳар кунги, ҳар доим давом этиши янги-янги тарафдорларни топишга кўмаклашишни шарт. Шундан келиб чиқиб, вилоят Кенгаши янгича шакл ва услубларни қабул топишга, электротат ишончини мустаҳкамлайдиган ҳар битта амалий иш ва тақлиф-

ларни партиянинг куйи бўғинлари ўртасида кенг оммалаштиришга ҳаракат қилмоқда.

«Адолат» СДПнинг вилоят Кенгаши ва Самарқанд давлат университети билан тузилган ижтимоий шериклик шартномасига мувофиқ олий таълим масканининг ижтимоий фаилар кафедраси қошида ижтимоий назорат курси ташкил этилгани ва мазкур кафедранинг профессор-ўқитувчилари партия фаоллари ўртасида алоҳида машгулотлар олиб бораётгани ижобий ишларнинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, вилоят партия Кенгаши сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш йўллари муҳокама этиш мақсадида ҳар битта туман партия кенгашида ўзининг кўндала йиғилишини ўтказди. Бу йиғилишларда депутатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш, бошланғич партия ташкилотлари сонини кўпайтириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга оид зарур тақлифлар билан чиқиш масаласини ўрганиш шарт қилиб қўйилди.

Йиғилишларнинг натижаси шу бўлдики, ўтган тўққиз ой мобайнида «Адолат» СДПнинг вилоятдаги БПТлари сони 70 тага кўпайди. Бугун Самарқанддаги йирик санаот корхоналари — «Самарқандхимм» акциядорлик жамияти, «СамАнтепгилам», «Самрасхолод» қўша корхоналари ва Самду, Чет тиллар инс-

титуту ҳамда Меъморчилик қурилиш институти қошида партиянинг бошланғич ташкилотлари самарали фаолият

Партиянинг Жонбой туман Кенгаши маҳаллий Кенгашида атиги битта депутатлик ўрнига эга. Аммо партия Кенгаши ўтган сайловлар натижасидан бугун ҳам ҳулоса чиқаролмаганлиги таассуфланарлидир. Негаки, партия фаолларининг электротат билан камдан-кам ҳолларда мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтираётган масалаларни ҳал этиш йўллари излашга қўнт-ҳафсала топа олмаяпти.

юритмоқда. Бироқ...

Партиянинг Нарпай туман Кенгаши фаолиятида анча вақтдан буён ўзибўларчилик кай-ляфит ҳукм суриб келаятганлигини қандай баҳолаш мумкин? Эътибор беринг, ўтган сайловда сайловчилар партиянинг 6 нафар номзоди туман Кенгаши депутатлигига сайла-ниши учун овоз беришган эди.

Лекин 6 нафар вакилнинг бугун туман партия Кенгаши билан алоқаси ҳақида тайинли гап айтиш қийин. Сабаби бу депутатларнинг бирортаси ўз ишлари хусусида партия Кенгашига ҳисобот беришни лозим топмаган. Туман Кенгашининг сессияларида ёки доимий комиссияларнинг йиғилишларида улар партиянинг дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қайси масалани кун тартибига олиб чиқишгани номаълум. Партия Кенгаши раиси ва унинг лавозимлари эса тумандаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда депутатлик назорати, жамоатчилик назоратидан лозим даражада фойдаланишолмапта. Партия фаолларининг сиёсий ўқувини ташкил этиш, БПТлар фаолиятини яхшилашда ҳам ўзгариш сезилмапта. Шу боис вилоят партия Кенгаши мазкур туман партия Кенгаши раҳбарини қайта сайлаш тақлифини ўртага қўйгани тўғри қарор бўлди.

Партиянинг Жонбой туман Кенгаши маҳаллий Кенгашида атиги битта депутатлик ўрнига эга. Аммо партия Кенгаши ўтган сайловлар натижасидан бугун ҳам ҳулоса чиқаролмаганлиги таассуфланарлидир. Негаки, партия фаолларининг электротат билан камдан-кам ҳолларда мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтираётган масалаларни ҳал этиш йўллари излашга қўнт-ҳафсала топа олма-

япти. Туман партия кенгашида маҳаллий ҳокимият вакиллик органига ва навбатдаги сайловлар учун ҳанузгача номзодлар захираси яратилмагани ва бу ташаббус рақобатчи партиялар иштироғига бериб қўйилганини қандай изоҳлайсиз?

Худди, шунингдек, партиянинг Пахтачи, Нуробод, Пайариқ туманлари Кенгашлари фаолиятида ҳам ҳокимлик ва бошқарув идоралари билан муросасозлик, улар талабига мослашувчанлик ҳолатларини сезасиз.

Ана энди «Адолат» СДП Тайлоқ туман Кенгаши собиқ раисининг ойлик мошини аъзолик бадали учун тўлиқ сарфлагани уни бу вазифада сақлаб қолиш учун нега инобатга олинмаганини пайқаган бўлсангиз керак. Ахир иш бошқа, ҳавас бошқа. Хусусан, партиявий фаолиятда курашчанлик, қатъият ва электротат манфаатларига мос амалий ишларга ҳар дақиқа шай бўлиш талаб этилади. Вилоят партия Кенгаши фаоллари орасида эса бу ишнинг уйдасидан чиқа олаётганлар оз эмас.

Электротат билан ўзаро ишонч ва ҳамкорлик бир жойдагина муваффақият қозониши мумкинлигини, ўзибўларчилик ва муросасозлик эса кишини назардан четда қолдиришини унутмаслик лозим.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Mercedes-Benz ларнинг янги партияси

Кун-кеча Тошкентга "Евро-3" стандартидаги 24 та "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" моделидаги автобусларнинг учинчи туркуми етиб келди.



Ушбу ишлар Тошшаҳар-трансхизмат ассоциацияси ва "Эвобус ГмбХ" фирмаси (Германия) ўртасида 100 донга шахар йўловчи автобусини харид қилиш шартномаси доирасида амалга оширилди.

Янги келган автобусларни шу йил октябр ойининг биринчи ярмидан йўналишларга чиқариш режалаштирилган. 2012 йилнинг ўзида пойтахтимизга жами 73 та, август ойининг ўзида 25 та "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" русумидаги автобус келтирилди. Улар асосан марказий йўналишларда ҳаракатланмоқда.

Пойтахтда шу кунларда турли модификациядаги жами 1000 та Mercedes-Benz автобусидан фойдаланилмоқда.

Сиёсат

Бош Қомусимиз —

истиклол мафкураси ғоялари
сингдирилган миллий
манфаатларимиз инъикоси

Давоний. Боши 1-бетда

Бу норма Ўзбекистон ташқарисида фаолият олиб бораётган фуқароларимиз учун бекиёс ғамхўрлик намунасидир. Айни кезде Конституциянинг 23-моддасида юртимизда фаолият олиб бораётган ёки таълим олаётган чет эллик ёки фуқаролиги бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланган.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ифодаси сифатида демократик қадрият, анъана ва ижтимоий адолатни қарор топишда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши ҳамда миллий тотувлиқни таъминлашда бош оми. Унда мустақамлаб қўйилган кафолатларни ва ифода этилган нормаларни кундалик ҳаётимизда қарор топтириш, шубҳасиз, кексаёш — ҳар бир фуқародан ҳуқуқий фаолиқни талаб қилади. Зотан, ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шарт — бу Асосий Қонунимизнинг учинчи бобида мустақамлаб қўйилган таъминлашдан иборат.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси (2010 йил, 12 ноябрдаги маърузасида баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ҳам мазкур масалага катта эътибор қаратилди. Яъни давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, **"Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қону-**

нийликни мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир".

Конституция устуворлиги шундаки, қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий актлар, жумладан, қонунлар унинг нормалари асосида бўлади. Зеро, Конституция устуворлиги қонун устуворлиги билан ўзаро боғлиқ. Жумладан, ҳар қандай давлат қонунчилик тизимида Асосий Қонун — Конституция устуворлиги яққол кўзга ташланиб туради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мазкур тамойил: **"Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади"**.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўради", — деб мустақамлаб қўйилган. 16-моддасида эса **"Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас"**лиги қайд этилади. Яъни бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ҳамда қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги қатъий мустақамланган.

Алоҳида урғу билан таъкидлаш жоиз, Конституциямизда эътироф этилган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-киммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият экани бугунги кунда жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъмин-



ланаётганида ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йиллар давомида адлия, суд-ҳуқуқ, прокуратура тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислохотларни кўз олдингизга келтириб кўринг: уларнинг ҳаммаси замирида инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми шаклланди. Шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тизимни янада демократлаштиришга қаратилган комплекс ташкилий ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётганлиги билан монандлаштирилди. Айни шу хатлар сўнгги йилларда мамлакатимизда ўтказилаётган соҳага оид қатор халқаро анжуманларда нуфузли экспертлар, хориқлик мутахассислар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Яна бир жиҳат: ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқишида дастуриламал бўлаётган Конституциямизда бой миллий ҳуқуқий меросимиз ва илгор хориқий ҳуқуқий меросимиз тўла акс этганидан далолат.

Хулосалаб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — миллий истиқлол мафкураси ғоялари сингдирилган миллий манфаатларимиз, истиқлолимиз ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Лойиҳа якуний муҳокамадан ўтказилди

Концепция:
устувор вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Германия Федерал Адлия вазирлиги ҳузуридаги Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси кўмағида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишнинг якуний масалаларини муҳокама қилишга бағишланган семинар ўтказилди.

Тошкент вилоятидаги "Билдирсой оромгоҳи" комплексини ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳи аъзолари, шунингдек, маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги етакчи миллий ва хориқий экспертлар иштирок этди.

Семинар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида эълон қилинган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Кодекс лойиҳасининг асосий қоидалари қўриб чиқилди.

Семинар иштирокчилари янги таҳрирдаги Кодекс лойиҳасини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳи томонидан амалга

оширилган кенг қўламли ишлари, хусусан, қонунчилик инвентаризация ва таҳлил қилинганлиги, ривожланган маъмурий адлия соҳасига эга демократик мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилганлиги, манфаатдор идоралар ва кенг жамоатчиликнинг кўпгина тақлифлари умумлаштирилганлигини таъкидлаб ўтишди.

Маърузачилар Кодекс лойиҳасида маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги илгор миллий ва хориқий тажрибани акс эттиришга эришилганлигини эътироф этишди. Масалан, маъмурий жавобгарлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унификация қилинди, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал механизмлари такомиллаштирилди, қатор қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш орқали жиноят қонунчилиги либераллаштирилди ҳамда бошқа муҳим масалалар ҳал қилинди.

“Бахт уйи”нинг янги биноси

“Мустақкам оила йили” Давлат дастури ижроси доирасида яқинда Навоий вилояти Навбаҳор туманида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлигида қурилган янги “Бахт уйи” биноси фойдаланишга топширилди.

Мазкур маросимда мамлакатимизда барча соҳаларда, жумладан, адлия идоралари-

нинг фуқаролик ҳолатлари да-лолатномаларини ёзиш бўлимлари фаолиятини янада

Халқаро тажрибани муҳокама қилиш ҳамда Кодекс лойиҳаси бўйича қиёсий таҳлилга бағишланган маъруза ва чиқишларда хориқий экспертлар томонидан унинг қоидалари концептуал даражада маъқуллаб фикр билдирилди. Шу муносабат билан Кодекс лойиҳасидаги қоидаларнинг илмий-назарий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Лойиҳанинг қабул қилиниши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш ҳамда давлат органларининг маъмурий амалиётида қонун устуворлиги ва қонунийликнинг юқори даражасини таъминлашга қаратилган маъмурий адлиянинг самарали тизимини янада ривожлантиришга қаратилган бўлиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар иштирокчилари лойиҳанинг электрон оммавий ахборот воситаларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий сайтида эълон қилинганлиги амалиёти ҳақида ижобий фикр билдиришди. Уларнинг фикрига кўра, мазкур амалиёт қонун лойиҳасининг сифатини ошириш ҳамда уни қайта ишлаб такомиллаштиришда кенг доирадаги мутахассислар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш имконини берди. Кейинчалик вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишнинг бундай услубидан кенгроқ фойдаланиш тақлиф этилди.

Бундан ташқари, миллий ва хориқий экспертлар томони-

дан Кодекс лойиҳасини тако-

миллаштиришга қаратилган қатор тавсиялар айтиб ўтилди. Масалан, ҳуқуқбузарликларни тўғри малакалашдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда, Кодекс лойиҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик орқали етказилган зарар миқдорининг аниқлаштирилишини таъминлаш тақлиф этилди. Шунингдек, лойиҳани маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи нормалар билан тўлдириш тавсия қилинди. Шу билан бирга, лойиҳа қоидаларини аниқлаштиришга қаратилган бошқа қатор тақлифлар билдирилди.

Ишчанлик муҳитидаги муҳокама жараёнида тарафлар кўрсатиб ўтилган ва бошқа қатор тақлифлар асосида эксперт гуруҳи томонидан Кодекс лойиҳасини қайта ишлаб такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилиши ҳақидаги фикрга келди.

Семинар якунлари бўйича иштирокчилар ушбу тадбирнинг ташкил этилиши Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг янада самарали амалга оширилишига кўмаклашганлиги ҳамда бу Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқилганлигида ўз аксини топганлиги ҳақидаги тўхтамга келди.

Адлия вазирлиги
ахборот хизмати

Йўналишсиз таксилар доимий назоратда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда таксилар фаолиятини тартибга солиш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш юзасидан фуқароларимиз ва тадбиркорлар учун қилинаётган савй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

Мазкур қарорга асосан, «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилмаган талаблар тўғрисида» Низом тасдиқланган. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг таъкид қилинишига ва ички маълумотлар билан жихозланганлиги, йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчиларга нисбатан талабларини, шунингдек, йўловчилар ва уларнинг йўналиши бўйича бағаж ташиш хизмати кўрсатадиган енгил автотранспорт воситаларининг барча турларига нисбатан ягона талабларни белгилаб берган. Бунга кўра ташиш ва ички маълумотлар билан жихозлаш белгилари йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ҳисобланади.

Ягона таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туришини ва танилишини таъ-

минлаш учун мўлжалланган ҳамда улар йўналишсиз таксиларга йўловчилар ташишини амалга оширувчи барча ташувчилар учун мажбурийлиги белгиланган. Хусусан, автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси, ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва фотосурати, иш вақтининг бошланиши ва тугаши, йўлқира қиймати, ташувчининг манзили ва телефон рақами, лицензия карточкасининг рақами ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, мажбурий сугурта қилинганлик ҳақидаги маълумот кўрсатилган маълумотлар табличкаси, ҳисоблагич (таксометр), белгиланган тартибда сотиб олинмаган ва фойдаланиладиган радиоалоқа воситаси, соз ҳолатдаги пломба-баланс спидометр жиҳозларининг, белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтка-



зилган назорат-касса машинасининг, шунингдек, тўловларини банк пластик карточкаларидан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминалининг мавжуд бўлиши кўрсатилган.

Шунингдек, йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчилари йўналишда ишлаётганда тегишли лицензия карточкасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник қўриқдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий қўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида белгилар қўйилган йўл varaқасига эга бўлишлари талаб этилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мунтазам равишда ушбу йўналишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Шунга қарамай, айрим фуқаролар томонидан қонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётганлик ҳолатлари ҳам аниқланилмоқда. Жумладан,

Солиқ тизими

Бозорлар — юрт кўрки. Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида жами 57 та юридик мақомдаги бозор ҳамда 20 та савдо мажмуалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар ихтисослашуви бўйича 40 та деҳқон, 1 та ихтисослаштирилган ва 16 та чорва моллари бозорини ташкил этади. Айни пайтда уларнинг замон талаблари, амалдаги қонун-қоидалар асосида фаолият юритишлари, аҳолига намунали хизматни йўлга қўйиш борасида солиқ идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилоётир. Бироқ гуруҳ кўрмасиз бўлмаганидек, баъзан қонуний ҳолатлар кўзга ташланиб қолмоқда.

Ноқонуний фаолиятга йўл йўқ

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида текширишлар ўтказилганда 23 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шундан 22 та ҳолатда 387,3 минг сўмлик йўғим ундирилиб, патта ёки чек бермаслик ҳамда 18 таси 2110,4 сўмлик патта тушумлари билан банк муассасаларига топширмаслик, 1 та ҳолатда нақд пул маблағларини сертификациядан ўтмаган НКМларга кириш қилиб банк муассасаларига топшириш, 7 та ҳолатда стандарт қўриғидан ўтмаган тошторозидан фойдаланиш ва бошқа қонунбузилишлардир.

— Мисол учун, Муборак тумани Деҳқон бозори ҳудуди, «Қалдирғоч» хусусий фирмасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда 11 305,1 минг сўмлик нақд савдо пуллари яроқсиз НКМга кириш қилинганлиги, 1 030,0 минг сўмлик сифат сертификатсиз товарлар сотилаётганлиги аниқланди, — дейди Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Қашқадарё вилоят бўлими назорат шўъбаси бошлиғи Фозил Номозов. — Шунингдек, бозорлар ҳудудида қонуний равишда озик-овқат маҳсулотлари сотилиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида ҳам 6 та ҳолатда истеъмолга

яроқсиз ҳамда инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ёғ маҳсулотларини сотиш ҳолатлари аниқланди. Албатта, ҳар қандай кўринишдаги қонуний хатти-ҳаракат жазосиз қолмаганидек, текширишлар натижаси бўйича қонунбузилишга йўл қўйган 247 та тадбиркорлик субъектлари мансабдор шахслари ва фуқароларга нисбатан 34 534,0 минг сўм маъмурий жарималар қўлланилди.

Сурхондарё вилоятида эса ҳозирда юридик шахс мақомига эга бўлган бозорлар ва савдо маркази давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, улар фаолияти доимий назоратга олинган. Ҳудуддаги 18 та бозорда савдо ўринлари ҳисобини электрон юритиш ва «on line» режимида кўриш имконини берадиган «Бозорларда бир марталиқ тўловлар ҳисобини юритиш ва назорат қилиш» дастури жорий қилинди. Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ҳамон айрим «учар» кимсалар томонидан амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтишга уринишлар учраб турибди.

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Сурхондарё вилояти бўлими томонидан ушбу йил олти ойи давомида ўтказилган қисқа муддатли ва рейд текширишла-

рида 115 та ҳолатда қонунбузарликлар аниқланган, натижада 631,2 миллион сўмлик товар моддий бойликлар далили ашё сифатида олинган. Жумладан, Денов туман Бободехқон (озик-овқат) бозори ҳудудида Ф.Розиковга тегишли бўлган савдо шохобчасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда ғазнадаги 5054,0 минг сўм нақд пуллари НКМдан ўтказилмаганлиги ва кириш ҳужжати бўлмаган 17 та турдаги 14330,0 минг сўмлик нозик-овқат маҳсулотлари сотилаётганлиги аниқланиб, улар далилий ашё сифатида сотувдан олинди. Ёки Ангор туман «Ангор келажаги» савдо комплекси ҳудудида фаолият юритаётган Ф.Жовлиевга тегишли бўлган савдо шохобчасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда ғазнадаги 764,9 минг сўм нақд савдо пуллари НКМдан ўтказилмаганлиги ва кириш ҳужжати бўлмаган 71848,0 минг сўмлик электр техника товарлари сотилаётганлиги маълум бўлди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар қандай қонуний фаолият ташвиш келтириши тайин. Шундай экан, энг тўғри ва мақбул йўл қонун доирасида иш юритишдир.

Давур ЖОЗИЛОВ,
«Адолат» муҳбири

Баркамол авлод тарбияси

барчамизга дахлдор вазифа

Давом. Боши 1-бетда

Байрам арафасида давлатимиз раҳбарининг юртимизда ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги ҳамда таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар, мамлакатимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқурлиги, жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гурӯҳ устоз ва мураббийларни Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Бу икки эътироф ва эътибор нафақат ўқитувчи ва мураббийларни, шу билан бирга, бошқа касб эгаларини, бутун халқимизни бениҳоя руҳлантириб юборди, айни чоғда мустақил Ватанимизда ўзининг устозлик истеъдоди ва маҳоратини, кўз нури ва қалб кўрини бахш этиб, ёш авлодга билим бераётган, Ватанимизнинг эртанги келажаги, орзу-умиди бўлиш ўғил-қизларга одабийлик сабоқларини ўргатаётган муаллимларнинг заҳматли меҳнати бугун ҳам, бундан буён ҳам бениҳоя қадрлигини намойиш этди. Зеро, ўқитувчи ва мураббийнинг заҳматли меҳнати ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантиришга, яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратишга, мустақил фикрлашга ва ҳаётда ўз ўрнини топишга хизмат қилади.

Глобаллашув деб аталаётган бугунги мураккаб шароитда таълим-тарбия ва маънавият соҳасида юзага келаётган кўплаб муаммоларни ҳал этишда, хусусан, ёш авлод онгини турли зарарли оқимлар, бузғунчи мафқуралар таъсиридан сақлашда ўқитувчи ва мураббийларнинг устозлик маҳорати, ишонтириш санъати, шахсий ибрати ва намунаси ғоят муҳимдир.

Дунё ўзгаришда давом этаётган ва янги-янги муаммолар



пайдо бўлаётган экан, ўқитувчи ва мураббийлар зиммасидаги масъулият тўхтовсиз ошаверади, асло камаймайди. Мактабда, лицей ва коллежлардаги ўқитиш йилларида ёшларнинг характери, иродаси, билим доираси, шу билан бирга, дунёқараши, атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш ва уларни мустақил равишда баҳолаш қobiliяти, асосан, шаклланиб бўлади. Бинобарин, тинч-тотув ҳаётимизга чанг солувчилар, ёшларимизни тўғри йўлдан оздиришга, уларнинг онги ва қалбини бузғунчи ғоялар билан тўлдиришга интилаётган ва бу билан маънавий-ахлоқий илдиригача болта ураётган ёвуз ниятли кучлар айни шу даврни нишонга олишда, ҳаётий тажрибаси кам бўлган ўсмирларнинг онгини турли ғаразли оқимлар таъсири билан заҳарлашга уринишда. Бундай ёшлар ҳолидан юртимизга кириб келаётган турли "янгилик", "ихтиро"лардан кўзланган қабиҳ ниятни ҳамиша ҳам ўз вақтида ва тўғри англаб етмайди. Ҳамма нарса уларнинг

кўзига мароқли ва ибратли бўлиб кўринади. Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди. Чунки таълим-тарбиядаги бефарқлик кейинчалик катта ва жиддий муаммоларни келтириб

Янги авлод тарбияси — узоқ давом этадиган сабр-тоқатли жараён. Энг аввало, тарбиячининг ўзи тарбияли, билимли, сабр-тоқатли бўлиши керак. Бунинг боиси, тарбиячининг хатти-ҳаракатлари тарбияланувчилар кўз ўнгига кечадиган. Демакки, у ҳар жиҳатдан ўз шогирдига ўрнак ва намуна бўлиши зарур.

чиқаради. Табобатда касални даволагандан кўра, унинг олдини олиш осон бўлганидек, тарбияда ҳам тарбияси бузилган, фикри чалғиган ёшни тўғри йўлга қайтаришдан кўра,

уни бу иллатга чалинмаслигига эришиш осонроқ.

Бугун таълим-тарбия соҳаси мутасаддилари зиммасига юкланаётган масъулиятли вазифанинг залвориди айни шу жиҳат билан ўлчанади. Бир кун кеч экилган дарахт бир ҳафта кеч мева тугади деганларидек, тарбия соҳасида бир кунга бўлсин кеч қолиш ҳам маълум муаммоларга сабаб бўлади. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари маънавий тарбия соҳаси мутасаддиларига, айниқса, ўқитувчи ва мураббийларга катта ишонч билдириб, келажгимиз, эртанги кунимиз билан боғлиқ хавфдан барчамизни қайта-қайта огоҳ қилмоқда.

Бундан йигирма йил муқаддам қабул қилинган мамлакатимиз Конституцияси эркин, очиқ демократик жамият қуришдек улғун ниятимиз миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланганини намойиш этди, ўзида халқимизга хос эзгу фазилатларни ифодалагани билан ҳам жаҳон ҳамжа-мийнатиинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Асосий Қонуни-мизнинг яна бир муҳим жиҳа-

ти шундаки, унда ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилотларига, жумладан, оила ва маҳалла институтларига алоҳида эътибор берилган. Шунга кўра, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бир қанча Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва ҳужжатлари қабул қилинди. Янги баркамол авлод тарбияси давлат аҳамиятига боғлиқ устувор вазифа деб белгиланди. Умумтаълим ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицей ва коллежлар қурилди, мавжудлари қайтадан реконструкция қилинди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Кейинги ўн йил ичида ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ошгани, тажрибали педагоглар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантириш бўйича бир қатор имтиёзлар яратилгани фикримизга далил бўла олади.

Янги авлод тарбияси — узоқ давом этадиган сабр-тоқатли жараён. Энг аввало, тарбиячининг ўзи тарбияли, билимли, сабр-тоқатли бўлиши керак. Бунинг боиси, тарбиячининг хатти-ҳаракатлари тарбияланувчилар кўз ўнгига кечадиган. Демакки, у ҳар жиҳатдан ўз шогирдига ўрнак ва намуна бўлиши зарур. Касбига садоқати, билими, муомала маданияти, кийиниши, юриш-туриши — буларнинг ҳаммаси тарбияланувчилар кўз ўнгига кечадиган ва улар шуурига маржондек тизилиб бораверади. Шогирд ўз устозидан ҳамиша фахрланиши, унинг инсоний фазилатларидан фахр-ифтихор туйиши зарур. Бунинг акси бўлса, яъни тарбиячининг ўзи тарбияга муҳтож бўлса, иймон-этиқоддан сабоқ бера туриб, ўзи шу айтганларига амал қилмас, табиийки, шогирд қалби жароҳатланади, кўнгли чўқади, вужудини ўкинч чулғаб олади.

Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, тарбия иши билан нафақат ўқитувчи ва мураббийлар, айни чоғда, оила, маҳалла, кенг жамоатчилик ҳам жиддий шугулланишлари зарур. Янада аниқроқ айтидиган бўлсак, биз ҳаммамиз — жа-

моат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ижодкор зиёлилар, адабиёт, санъат соҳаси мутахассислари ортимиздан келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишига масъулмиз. Ҳаммамиз ва ҳар биримиз тарбия ишидан четда турмасликка, бу жараёнда фаол иштирок этишга даъват этилганмиз. Бундай фаоллик мамлакатимизнинг эртанги истиқболи, юртимизнинг тинчлиги, ҳаётимизнинг фаровонлиги билан бевосита боғлиқ. Шунга эришиш керакки, ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмасин. Ёшлар тарбияси билан боғлиқ кўпгина муаммолар бирор бир фойдали иш билан машғул бўлмасликдан, яъни бекорчиликдан келиб чиқшини унутмаслик зарур.

Сиёсий партиялар, жумладан, "Адолат" социал-демократик партиясининг ҳам ташаббускор бўлаётгани, партиянинг ёшлар қанотини янада кучайтираётгани, ўз сафларига иқтидорли, замонавий билимларни чуқур эгаллаган ташаббускор, ғайрат-шижоатли ёшларни кенг жалб этаётгани, уларга ўз имкониятларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бераётгани яхши самара бермоқда. Партиянинг ҳаракат дас-турда белгилаб қўйилган мақсад — касб-хунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдан айни шу муҳим вазифа келиб чиқмоқда.

Таълим-тарбия ҳеч қачон мавсумий иш бўлмаган. Бу иш билан ҳамма ва ҳамиша шугулланиши лозим. Негаки "оммавий маданият" балосини бундан буён ҳам турли кўринишларда юртимизга киритишга қаратилган ҳаракатлар давом этаверади. Ёшларимизнинг билим ва заковати, юксак маънавий олами, мустаҳкам имон-этиқоди, истиқлол ғояларига садоқати, ватанпарварлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтироми билангина бу офатнинг йўлини тўсиш мумкин.

М. АҲМЕДОВ

Миллий кутубхона фондлари "рақамланади"

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари кутубхона фондларини рақамли форматга ўтказиш лойиҳасини амалга оширмоқда.



Ишлар юқори тезликдаги сканерда амалга оширилмоқда. Сканер бир неча дақиқа ичида исталган китобни "ўқийди" ва унинг электрон форматини чиқаради. Бу ҳақда ICTExpo-2012 кўргазмасида сўз борди.

Ушбу технология кутубхонага аъзо бўлган ID-картага эга китобхоналарга республиканинг исталган нуқтасидан туриб кутубхона фондидан фойдаланиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фонди 6,5 миллион донна наشرдан иборат бўлиб, улардан тез орада электрон форматда фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.



Долзарб ишланмалар

саноат корхоналарида эришилаётган иқтисодий самараларда бўй кўрсатмоқда

Бугун Ўзбекистон дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида илдам одимлаётган, жаҳон молиявий инқирози шароитларига қарамай иқтисодий ўсиш барқарорлигини сақлаб келаётган кам сонли давлатлардан бири сифатида халққаро экспертлар томонидан эътироф этилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бунда, албатта, ишлаб чиқаришга энг замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва ишланмаларини амалиётга табиқ этиш ҳамда импорт ўрнини босадиган, экспортдоқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида ўрин тутади. Ушбу жараёнга, айниқса, ёш олимларни, иқтидорли талабаларни жалб этиш, уларни рағбатлантиришга қаратилаётган эътибор соҳа истиқболига мустаҳкам асос яратмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарориди олий ўқув юрталарида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот марказлари ва лабораторияларини ташкил этиш, инновация ишларини амалга ошириш ҳамда уларга ёш олимларни жалб қилиш зарурлиги белгиланган. Мазкур қарор ижросидан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимиздаги деярли барча олий ўқув юрталарида илмий тадқиқот лабораториялари ва инновацион марказлар ташкил этилган

бўлиб, уларда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент кимё-технология институти республикамиз саноат корхоналари учун мутахассис кадрлар етказиб берувчи етакчи олий таълим муассасаларидан биридир. Институтда инновацион фаолиятга қаратилган эътибор, иқтидорли ёшларни илмий жараёнларга жалб этишга бўлаётган эътибор диққатга сазовор.

Хусусан, институт илмий-тадқиқот бўлими негизда 2010 йилда Инновацион маркази ташкил этилди. Марказ фаолияти институтда яратилаётган илмий ишланмаларни молиялаштириш, интеллектуал мулкни ҳимоялаш, ёш илмий тадқиқотчилар ва талабаларга ушбу фаолият бўйича зарур маслаҳатлар бериш ҳамда уларнинг малакасини ошириш каби ишларига қаратилган. Бундан ташқари, Инновацион марказ ҳамда кафедралар ҳамкорлигида институтда кичик инновация корхоналарини ташкил этиш, инновацион гуруҳларни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, илмий ишланмаларга ҳомийлик қилиш, ҳўжалик субъектларига лицензия шартномалари асосида илмий-тад-

қиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятларини яратишга йўналтирилган қатор лойиҳалар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда институтдаги 24 та кафедра, 2 та муаммоли ва тармоқлараро лабораторияларда илмий изланишлар олиб борилаётган бўлиб, 48 та инновацион гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Инновация фаолиятини такомиллаштириш ва жадаллаштириш мақсадида кафедраларнинг инновацион гуруҳлари, грант аъзолари ва факультетлар фаоллари орасида бошланғич тренинглар ўтказиш йўлга қўйилган.

2011 йил институт олимлари учун илмий натижалар йили бўлди. Давлат Патент идораси томонидан ўтказилган 2010 йил патентлари танловидида институтимиз олимларидан И.А.Лимухамедов, Ф.Магруппов ва А.Жўраевлар ўз ихтиролари билан республика ғойиблари сафидан ўрин олишди. Жорий 2012 йилда эса бажарилаётган илмий ишларнинг умумий ҳажми 1329 миллион 465 минг сўм бўлиши кутилмоқда. Ҳўжалик шартномалари асосида бажарилган ишларнинг умумий ҳажми эса 138 миллион 625 минг сўмни ташкил этади.

Институтда давлат маблағлари ва ҳўжалик шартномалари асосида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини бажаришда 97 нафар профессор-ўқитувчилар ва ёш олимлар, 2 нафар катта илмий ходим, 25 нафар стажёр-тадқиқотчи изланувчи, 26 нафар магистр, 47 нафар бакалаврлар фаол қатнашиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Олий

таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида бугунги кунда институт моддий техника базасини мустаҳкамлаш, хусусан, ўқув юрти базасида "Кимёвий технология ва нефть-газга қайта ишлаш" замонавий лабораториясини ташкил қилиш бўйича тайёр-гарлик ишлари бошлаб юборилди.

Мамлакатимизда илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмиди яратиш ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ҳаётга жорий қилиш мақсадида, 2008 йилдан бошлаб аънавий "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" республика ярмаркаси ўтказиб келинмоқда. 2008-2012 йиллар давомидида ушбу ярмаркада институтимиз жами 64 ишланмалар билан қатнашди. Жумладан, жорий йилда ўтказилган V ярмаркада институтимиз илмий жамоаси ўзининг 12 та ишланмалари билан иштирок этишди.

Агар 2010 йилги III республика ярмаркасида 50 миллион сўмлик шартнома тузган бўлсак, бу кўрсаткич 2011 йилдаги ярмаркада 198 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилги V ярмаркада эса 561 миллион сўмлик шартнома имзоланди. Бу — илмий ишланмаларимиз ўтган йилга қараганда ўрта ҳисобда 3 мар-та кўп молиялаштирилганини кўрсатади.

Институтимизда олиб борилаётган илмий-тадқиқот иш-

лари ривожлантириш ва уларнинг истиқболи республика-мизнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва турдош муассасалари билан яқин ҳамкорлигига боғлиқ. Ҳозирги кунда институт олимлари олиб борган илмий-тадқиқот ишларидан 10 таси халқ ҳўжалигига таъбиқ қилинган. Улардан қутилаётган иқтисодий самара эса 11169,8 миллион сўмни ташкил этади. Қолаверса, бир қатор кафедраларда юқори иқтисодий самара берадиган илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Хусусан, «Ноорганик моддалар технологияси» кафедрасида «Марказий Қизилқум фосфоритидан олинган экстракцион фосфор кислотаси асосида натрий ортофосфат тузларини ишлаб чиқариш технологияси» мавзусида Х.Мирзақулов раҳбарлигида Марказий Қизилқум фосфоритидан олинган экстракцион фосфор кислотасини қўшимчалардан тозалаш жараёнига технологик параметрлар таъсири қонуниятини ўрганишди. Техник, озукабон ва озик-овқат саноати учун ортофосфат технологияси жараёнининг мақбул параметрлари аниқланди ва «натрий фосфат тузларини олишнинг юқори самарали технологияси ишлаб чиқилди. Техник иқтисодий ҳисоблар импорт орқали олинмаётган натрий ортофосфатлар билан солиштирилганда ҳар бир тонна натрий ортофосфат тузлари маҳсулот турларига мос равишда 1289,0 миллион сўмгача иқтисодий фойда беришини кўрсатди.

Шунингдек, К.Серкаев раҳбарлигида «Енгил рафинацияланадиган пахта мойи ва кам



госсиполли шрот олиш технологияси» мавзусида олиб боришган илмий изланишлар натижасида пахта чигити янчилмасига гидротермик ишлов бериш усули такомиллаштирилди.

Чигит янчилмасини янги, силликат-карбамидли муҳитда ишлов бериш усулида олинган қора мойларнинг таркибидидаги эркин госсиполли миқдори ва кислота сонни камайтириш ҳамда ранги пасайиши тоза-лаш самарадорлиги ошишига олиб келиши билан бирга кам госсиполли ва нисбатан сир-фатли soapstock олиш имконини яратди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу янги «Енгил рафинацияланадиган пахта мойи ва кам госсиполли шрот олиш усули» Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан IAP 03125 рақамли патент билан ҳимояланган.

Бугунги кунда ушбу усул «Қарши ёғ-экстракция», «Қосон ёғ-экстракция» ва «Катта-қўрғон ёғ-мой» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти корхоналарида қўлланилмоқда ва паррандачилик ҳамда қорвачилик учун кам госсиполли пахта шротини ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, К.Серкаев

раҳбарлигида Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан «Ёғ-мой саноати чиқиндилари асосида экологик тоза ва биотехнологик бойитилган қуш ва баликлар учун ем ишлаб чиқариш, шрот таркибидида токсик моддаларни камайтириш бўйича тажриба синовларини ўтказиш» мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ушбу тадқиқотдан мақсад ёғ-мой саноати чиқиндилари биоконверсияси асосида қуш ва баликлар учун макро ва микроэлементларга бой бўлган емлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Бундан қутилаётган иқтисодий самара эса 7500,0 минг сўмни ташкил этади.

Мухтасар айтганда, институтимиз олимлари томонидан яратилаётган ишланмалар, инновацион лойиҳалар бугун республика корхоналарида кенг жорий этилиб, ўзининг иқтисодий самараларини кўрсатаётгани бизни ҳар жиҳатдан қувонтиради.

Дилором ҚОДИРОВА,
Тошкент кимё-технология институтининг Инновацион маркази бўлим мудирини, техника фанлари номзоди

Жараён

Тараққиётнинг бугунги босқичида инсон ҳуқуқлари масаласи демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, мамлакат ривожланишининг асосий омилга айланди.

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қонунлар ҳам, унга тааллуқли бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам даврлар ўтиши билан такомиллашиб, кейинчалик унинг мазмунига инсон учун зарур бўлган турли иқтисодий эҳтиёжга оид тадбирлар қўшилди. Масалан, кишиларнинг ўзлари танлаган мамлакатда эркин яшашлари, ишсизларга кўмаклашиш, кексалар ва ногиронларга тиббий хизмат, кўп болали ва муҳтож оилаларга, қарияларга нафақа тайинлаш шулар жумласидандир.

Адолат тикланди

Инсон ҳуқуқи умуман олганда, инсоннинг яшаш қафолати ва эркинликлари Ўзбекистон қонунчилиги ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш борасида демократик жараёни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мамлакатимизда бир қанча институтлар ташкил қилинди.

Шу ўринда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузувчи ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиш механизмини амалга ошириш йўллари белгилаб берилган. Ушбу қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, «ҳар бир фуқаро давлат органлари, қорхоналари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобланса, шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга».

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашга қаратилган қонунлар орасида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун муҳим ўрин тутати. Янги таҳрирда қабул қилинган мазкур қонун мамлакатимиз фуқаролари

ва Ўзбекистонда яшовчи бошқа шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликлари аниқлашда ёрдам беради.

Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашда хусусан, фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишда бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Фарғона шаҳрида яшовчи фуқаро С.Ҳасанбоевнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Фарғона шаҳар бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзган мурожаати аризада иштирокида ўрганиб чиқилди. Унда шаҳар ҳокимининг 23.05.2012 йилдаги Қарори асосида вассий этиб тайинлангани, шу асосида 29.05.2012 йилда Пенсия жамғармаси бошлиғи номига бокучисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашни сўраб ариза берганлигига қарамадан турли хил баҳоналар билан сансалорликка йўл қўйилаётгани, пенсия жамғармаси ходимлари томонидан етказилган маънавий зарарини ундириб, уларга нисбатан тегишли қонуний чора кўриш сўралган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида пенсия жамғармаси бошлиғи М.Қўлдамов томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланганлиги сабабли унга нисбатан маъмурий иш расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2012 йил 27 июль кунги қарорига асосан мансабдорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг

бир баравари миқдориди жарима жазоси тайинланди.

Олтиариқ туманида яшовчи фуқаро М.Неъматовнинг Олтиариқ туманидаги «Лаззат» масъуляти чекланган жамиятининг улшудори бўлганлиги, ҳозирда жамият улшудорлар ўртасида низолар келиб чиққанлиги, шунингдек, унга жамият директори С.Тожибоев томонидан иш ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдоридан ҳам оз бўлган ҳолда тўлаб келинаётганлигидан норози бўлиб ёзган шикоятни ўрганиб чиқилиб, мурожаатнинг иш ҳақида доир қисми юзасидан жамият директори томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари юзасидан Фарғона вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига маъмурий таълим қилиниб, 2012 йил 27 август кунги жамият директори С.Тожибоевга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориди маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

Келгусида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг Конституцияга ҳамда қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиш виллоят адлия бошқармаси инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи билан энг кам ойлик иш ҳақининг


Умиджон ЭРГАШЕВ,

Фарғона вилоят адлия бошқармаси инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Тамакиннинг “тутуни чикди”

Божхона бекати

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги жараёнларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Афсуски, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигига путур етказадиган айрим ҳаракатлар ҳам борки, улардан бири тамаки маҳсулотларини ноқонуний тарзда олиб ўтиш билан боғлиқ. Эътибор беринг, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, чекишни зарарли оқибатлари туфайли дунёда ҳар йили 5 миллион одам оламдан ўтади. Таркибида 4 мингдан ортиқ захарли моддалар бўлган тамаки маҳсулотлари соғлиқни сақлаш идоралари томонидан оғохлантирилган ҳолда қадоқланади. Тамаки кўтиларидо қайд этилган чекишни қўл саломатликка зарари хусусидаги оғохлантиришлар аслида ҳам анчик ҳақиқатдир.

Республикаимизда тамаки маҳсулотларига акциз марказларини қўллаш — шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташвиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек, акциз солиғини тўлиқ йиғиб олиш, мазкур товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, 1996 йилнинг 1 октяб-ридан бошлаб, республикаимиз-

да ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз марказлари билан мажбурий марказлаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз марказларини ёпиштирмаган ҳолда ташвиш (ҳалқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш эса тақиқлаб қўйилган.

Адлия вазирлигидан 1999 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз марказларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада белгилаб қўйилган ушбу тартибларга амал қилиш ва унинг бажарилишини таъминлаш борасида Давлат божхона кўмитаси томонидан қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Жумладан, “Тошкент-Аэро” иختисослаштирилган божхона комплекс ходимлари томонидан сифати қафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган тамаки маҳсулотларининг яширин олиб ўтилишига оид бир нечта қонунбузарлик ҳолатлари фош этилди.

Амалдаги тартибларга биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб

кириладиган товарларнинг чекланган миқдорий нормаларига кўра, жисмоний шахслар фақатгина 10 қўти тамаки маҳсулотларини республикаимиз ҳудудига олиб киришлари мумкин. Аммо айрим “кашанда”ларни бу меъёр қониктирмаётган кўринади.

Шарҳаддан қайтган пойтахтлик С.Баратов ва А.Казакбаевлар “Parliament”нинг ашаддий “ишқибози” чиқиб қолиши. Йўқса, қиймати 2,1 млн. сўмдан ортиқ салкам 900 қўти шу номдаги сигаретларни божхона баённомасида ва божхона ходимининг озғаси сўрови пайтида маълум қилишни “унутишмасди”.

Шунингдек, тамаки маҳсулотларини яширин равишда чакана тарзда “экспорт” қилишга уринаётган фуқаролар ҳам учраб турибди. “Тошкент-Аэро” ИБК ходимлари томонидан яқинда аниқланган 5 та қонунбузарлик ҳолатида Истамбулга отланган фуқаролар Ф.Алимова, Д.Олимов, Р.Сотибоддиев, М.Ахмедова ва М.Турсунходжаевлар қиймати салкам 2,5 млн. сўмлик 4 турдаги 1440 қўти тамаки маҳсулотларининг божхона баённомасида ва божхоначиларнинг озғаси сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб ўтилиш уринишдан пайтида тўхтаётди қилинди. “Тошкент — Бангкок” йўналишида парвозга отланган қаттақўрғонлик Ш.Раҳमतованинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, ушбу фуқаро қиймати яшилмлн. сўмлик 4 турдаги 200 қўти тамаки маҳсулотлари яширин равишда олиб чиқишга урингани фош этилди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом этмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида “Тошкент-Аэро” ИБК ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 21 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Натигада, қиймати салкам 29,5 млн. сўмлик 6400 қўтига яқин тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Бошқача айтганда, чекилиб улгурилмаган тамакиннинг “тутуни” чикди.

“Тошкент-Аэро” ИБК ахборот хизмати

Бугуннинг гапи

Фуқаро мурожаати

ортида инсон, унинг хоҳиш-иродаси, манфаати ва ҳақ-ҳуқуқи бор

Мамлакатимиз Конституциясининг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқиши шарт», — деб қатъий ёзиб қўйилган.

Шу боиски, газеталар таҳририятларига ҳам почта орқали, телефонда ва виртуал сайтларга кўпдан-кўп мурожаатлар келиб тушади. Бу, табиий. Чунки, кишилар ўз фикрлари ва мулоҳазаларини, тақлифларини ҳамда дарду ҳасратларини билдиришга, баҳам кўришга жамият директори С.Тожибоевга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориди маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

Биласиз, ҳеч ким бежиз мурожаат қилмайди. Улар ортида юқорида айтганимиздек, одамларнинг муаммолари, хоҳиш-истаги ва манфаатлари ётади. Шу сабабли, ҳар бир мурожаат қонун талаблари асосида ўрганилиши керак. Афсуски, сўнгги кезларда «Адолат» газетасининг хатлар ва шикоятлар билан ишдаги бўлими ўтказган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, баъзи масъул ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, шунингдек, жойлардаги айрим мансабдор шахслар фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга оид қонуний талабларнинг лозим даражада бажарилишини таъминламаяптилар.

Ёрқин бир мисол: «...Менинг бир неча бор Қашқадарё вилоят прокурорига мурожаатим Нишон тумани прокуратурасига юборилиб, менга қарашли 15 гектарли боғдорчилик учун мўлжалланган ерим олиб берилмасдан келинмоқда, — деб ёзади Нишон туманидаги Балхия ҚФЙда яшовчи «Омонов Ашур» фермер хўжалиғи расиси Х.Омонов. — Вилоят адлия бошқармасини ерни қайтариш лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмасидан сўнг ҳам маҳаллий раҳбарлар «қайтарамиз» дея озғаси айтиб келишадими, амалда бажаришмаяпти... Аслида, ҳамма «ишқал» туман ер ресурслари бўлимининг мутахассиси иштирокида «ерингизни қайта қадастр қилиб берамиз» деб алдаб, тоза оқ қозғога муҳр ва бошқа бир кишининг имзосини қўйдириб олимидан бошланган...»

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида биргина «Адолат» газетаси таҳририятига 150 га яқин ариза ва шикоятлар келиб тушди. Улардан айримлари газета саҳифаларида чоп этилиб, 27 тасига тушунтиришлар берилди, 117 таси ўрганиб чиқиш учун тегишли идора ва ташкилотларга юборилди. Улар аҳолини ишга жойлаштириш, ижтимоий муҳофаза қилиш, шартнома шартларини бажариш, ер участкалари ажратиш, фермер хўжаликларидаги экин майдонлари низоси каби масалаларга, судлар, солиқ органлари ва банк соҳаси фаолиятига дахлдор бўлди.

«...Тадбиркорлигимни ривожлантириш учун Хоразм вилоят «Микрокредитбанк» ОАТБ раҳбариятига 18 миллион сўм кредит олиш ниятида мурожаат қилгандим, — деб ҳикоя қилади Урганч шаҳридаги «Ма-лика пишлоқчи» хусусий қорхонаси раҳбари Феруза Аминова. — Бирок банк раҳбарияти қўлимга «пулингизни це-


мент олиш учун биржага чиқарамиз» деган сохта тўловнома тутқазишиб, қурилишга мўлжалланмаган қорхонамга 220 миллион сўм («цемент учун!») кредит берадиган бўлишди. Мен «бу ерда нимадир бор...» деб кўрқиб кетдим. Улар эса «Тошкентда Марказий банк билан келишганмиз, ҳужжатларни тўғрилайверинг», дея юпатишди. Бу орада банк расиси ишдан бўшаб кетгач, мени судга чақирдиш... Боз устига, аввал бошда ўша ўзим сўрган сумма — 18 миллион сўм қарз бўлиб қолибман...» ва ҳоказо, ҳоказо...

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида биргина «Адолат» газетаси таҳририятига 150 га яқин шундай ариза ва шикоятлар келиб тушди. Улардан айримлари газета саҳифаларида чоп этилиб, 27 тасига тушунтиришлар берилди, 117 таси ўрганиб чиқиш учун тегишли идора ва ташкилотларга юборилди. Улар аҳолини ишга жойлаштириш, ижтимоий муҳофаза қилиш, шартнома шартларини бажариш, ер участкалари ажратиш, фермер хўжаликларидаги экин майдонлари низоси каби масалаларга, шунингдек, судлар, солиқ органлари ва банк соҳаси фаолиятига дахлдор бўлди.

Фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриш ва уларни ҳал этиш жамиятда инсонга эътиборни кучайтиришда, шунингдек, демократик таъмоилларни қарор топтиришда катта ўрин тутати. Шу жиҳатдан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда улар билан ишлаш тартиби ва қоидалари аниқ белгиланган. Мазкур қонуннинг 24-моддасида фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган.

Ушбу моддага кўра фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва қўриб чиқиш асосида равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид равишда қарорлар қабул қилиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминламаганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Айни кезде фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имконияти беришни асосида тарзда рад этиш (чўзиш, сансалорликка солиш) ҳам жавобгарлик масъулиятини юқлайди. Тақдорланадиган ва қайта-қайта тақдорлашга мажбур бўлинадиган мурожаатларни писанд қилмаслик, номигагина жавоб юбориш ёки бундан ҳам ёмони, киши ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилганлиги учун жазолаш, уни «иғвогар», деб эълон қилишга йўл қўйиб бўлмайди.

Минг афсуски, жойларда



аҳоли талаб ва эҳтиёжларига етарли аҳамият берилмаётгани, айниқса, фуқароларга нисбатан адолатсизликка йўл қўйиш ҳоллари республика ташкилотларига ёзма ва озғаси мурожаатларнинг келиб тушишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатларни вужудга келтирувчи сабабларни — энг аввало, ижтимоий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар — ма-

Иккинчидан, фуқаролар мурожаатлари озғаси ёки ёзма шаклда бўлиб, улар бир хил аҳамиятга эга. Мурожаатлар яқка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин.

Учинчидан, фуқароларнинг мурожаатлари ариза-тақлиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин. Ариза — фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаат. Тақлиф — фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаат. Шикоят эса фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

Тўртинчидан, фуқаро ўз мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асосида равишда рад этилганлиги устидан (бўйсиз равишда) юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

Бешинчидан, фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан ўрганилади.

Шундагина, масъул ташкилотларнинг аризаларини кўриб чиқиш, тақлифларни ўрганиш ва шикоятларни ҳал этишга эътибор кучаяди, давлат органларида барча фуқаролар учун мурожаат қилишда тенг имкониятлар ҳамда етарли шарт-шароитлар вужудга келади.

Шундагина, давлат ва жамиятнинг бошқаришда очик-шкоралик тамойили татбиқ этилиб, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари ижроси таъминланади.

Шундагина, «нима учун фуқаролар барча идораларга ёзаверишди», деб таажжубланиб юрмаймиз. Ахир, мансабдор шахс фуқароларнинг мурожаатларига эътибор бермас, кейинги тақрорий ариза, тақлиф ва шикоятлар маҳалладан тортиб, энг юқори идоралар манзилларига юборилишига шубҳа йўқ-да...

Зеро, эсингизда бўлса, шу йил март ойида Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан фуқароларнинг давлат органларига келиб тушаётган мурожаатлари, шикоятлари ва аризаларига бўлган муносабатга танқидий баҳо берилиб, ушбу ишда жойларда сансалорлик, расмийчиликка йўл қўйилаётганлиги, айрим мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилмаётганлиги кўрсатиб ўтилган эди. Шу нуқтада назардан, фуқароларнинг ҳар бир мурожаати ортида авваламбор инсон, унинг хоҳиш-иродаси, манфаати ва ҳақ-ҳуқуқи борлигини ҳеч қачон, ҳеч ким унутмаслиги — бугуннинг гапи, бугуннинг талаби.

ТАҲРИРИЯТ

Конференция

Бугунги глобаллашув жараёнида ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз (АКТ) тасаввур қилиш қийин. Зеро, АКТ сиёсий модернизация, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан илдам ривожланиш жараёнларида борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий модернизация жараёнларида

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда АКТ, мобиль алоқа, рақамли телевидение, интернет хизматларини ривожлантиришнинг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базаси яратилиб, изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида «Кўргазма савдо маркази»да ташкил этилган «Сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг долзарб вазифалари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда ҳам ана шу ҳақида сўз борди.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг барқарор суръатлар билан ўсиб боришида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Янги технологиялар, инновацион ечим ва лойиҳалар жамиятининг барча жабҳаларига кенг жорий этилмоқда.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга доир бир қатор қонунлар қабул қилиниб, жамиятнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Давра суҳбати

Ислохотлар муваффақияти

фуқаролик жамияти шаклланишида акс этади

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК сиҳатгоҳида «Фуқаролик жамияти ривожланишида ва аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинимаси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар бўйича минтақавий вакили, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси, «Адолат» СДП туман Кенгаши депутатлари ҳамда Миробод тумани «Дўстлик», «Биродарлик», «Сарипул», «Янги замон» маҳалла фуқаролари иштирок этишди.

— Шахснинг сиёсий фаолиги, унинг чинакам фуқаролик ташаббуси, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омил, — дейди ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинимаси раҳбари Р.Саидов. — Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бу мамлакатимизда ҳуқуқий онги ва тафаккури юксак жамиятини қуриш учун ўтказилаётган кенг қўламли ислохотларнинг қонуний замини тўғайди. Шунингдек, Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти даражасига боғлиқдир.

— Жамият ва давлат тараққиётининг хозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатларда барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий маданияти, саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Т.Матибаев. — Бунда эса, маҳалла, Омбудсман, ФЖШМҚМИ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамда шу каби бошқа ННТла-

да, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ахборот соҳасидаги кенг қамровли ислохотларни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, ахборот тизимларининг интеграциялашуви, давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига қўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, gov.uz, my.gov.uz каби интернет порталлари орқали давлат органлари ва фуқаролар ўртасида яқин алоқа ўрнатилди. Энди фуқаролар ўшбу интернет порталлари орқали тегишли давлат органлари ёки юридик шахсларга ўзларини қизиқтирган саволлари билан беvosита мурожаат қилишлари ва уларга жавоб олишлари мумкин.

Ойбек ТОЖИБОВ,
“Adolat” мухбири

Социал-демократик ғоялар яна кун тартибида

Социал-демократия

Замонавий социал-демократия манбалари дастлабки саноат инқилоблари билан боғлиқ бўлиб, бу ҳаракат XIX асрнинг ўрталарида Европада шаклланди. Унинг ривожланиши ва етакчи кучга айланиб боришида ишчилар ҳаракати ва зиёлиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Биринчи социал-демократик партия 1875 йилда Германияда, кейинги йилда Данияда, 1889 йилда Австро-Венгрияда, 1892 йилда Италияда тузилди. XX асрнинг бошларида бундай партиялар Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам тузила бошлади. Социал-демократларнинг олдиндан асосий ҳамкори касабамаларнинг бўлган, шу боис ишчилар орасида мазкур партиянинг мавқеи доимо баланд бўлиб келган.

Шу билан бир қаторда мазкур даврда аҳолининг норозилик кайфияти кучайиб, мавжуд ҳукмрон доираларни ижтимоий инқилобнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратишга туртки берди. Ушбу жараёнларда ишчи-меҳнаткашлар талаби билан 8 соатлик иш кунини, меҳнат шартло-рининг яхшиланиши ва меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этила бошланди.

Социал-демократлар биринчи бор сиёсий ҳокимият тепасига 1904 йилда Австралида келди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Европанинг қатор мамлакатлари ҳукуматларига социал-демократлар бошчилик қила бошлайди, кенг омма орасида уларни қўлаб-қувватловчилар сони ортиб боради. Ўз навбатида социал-демократлар ҳукумат тепасига келганларидан сўнг 8 соатлик иш кунини, касабамаларнинг эркин тузилиш, коллектив шартномалар тузиш, меҳнат таътилини узайтириш ва меҳнат таътили учун ҳақ тўлаш, меҳнаткашлар касал бўлишида уларга касаллик вақаси асосида ҳақ тўлаш тизимини кафолатлайдиган қонунларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қила бошладилар. Иккинчи жаҳон уруши даврида национал-социалистлар ва фа-

шистик партиялар социал-демократларга қарши чиқиб, мазкур партиялар мафкурасини нотўғри деб кўрсатишга уриндилар, шу қаторда коммунистлар ҳам шундай йўлни танладилар. Улар ҳокимиятга келиши билан социал-демократик партияларни ва эркин касабамаларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйдилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европанинг кўпчилик мамлакатларида социал-демократик партиялар энг кучли сиёсий кучга айланди.

Жаҳоннинг 33 та социал-демократик партиялари ташкилий жиҳатдан жипслашиш мақсадида 1951 йилда Социалистик Интернационални ташкил этдилар. Бугун бу халқаро ташкилот жаҳон ҳамжамиятида ўз таъсир доирасига эга бўлиб, жаҳоннинг 130 мамлакатдаги 161 та социал-демократик партия ва ҳаракатларни ўз атрофида бирлаштирган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Европанинг деярли барча мамлакатларида ҳукуматларни социал-демократлар бошқардилар. Бироқ 80-йиллардан сўнг социал-демократлар ўрнига ҳукумат тепасига консерваторлар ва неолибераллар кела бошлайди. 90-йиллардан бошлаб эса социал-демократлар яна сайловчи-



лар эътиборини қозониб, ҳокимиятни эгаллайди. Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатларида бу сиёсий партия ва ҳаракатлар сони, уларнинг тарафдорлари ортиб борди.

Шу даврларда социал-демократик партиялар ўз мамлакатлари миллий хусусиятлари ва ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, ўз социал-демократик ривожланиш моделларини яратганлар.

XX асрнинг 90-йилларида яккапартиявий тизимларнинг емирилиши посткоммунистик мамлакатларда ҳам социал-демократик партияларнинг шаклланишига туртки берди. Бугун социал-демократик партиялар эркинлик, тенглик, адолат ва бирдамлик тамойилларини илгари суриб, инсон ҳуқуқлари, эркак ва аёлларнинг амалда тенг ҳуқуқли бўлиши, уларга тенг имконият яратилиши, сайловлар эркинлиги, танловда муқобил вариантларнинг мавжудлиги, эволюцион ривожланиш, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иш берувчи ва ишчилар ўртасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш, бойлар ва

камбағаллар ўртасида фарқни қисқартириш, ишчиларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (35-40 соатлик ҳафталик иш кунини, меҳнат шартло-ларини яхшилаш, минимал ойлик маошларни ошириш, асоссиз бўшатишлардан ҳимоя қилиш, ишсизликка қарши курашиш ва ҳ.), барча учун бепул таълим, бепул тиббий хизмат, ногиронлик ва ишсизлик учун пенсия ва нафақалар тўлаш, тинчликпарварликка асосланган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқда, тинчликка асосий қадрият сифатида қарамоқда. Шу билан бирга, экология масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш технологияларидан самарали фойдаланиш, технологиялар ривожланиши устидан ижтимоий назоратни ўрнатилмасалари ҳам уларнинг диққат марказида турибди.

Социал-демократия — қўлаб мамлакатлар меҳнаткашлари ва демократик ҳаракатларининг таъсири кучи. Жамиятда кўпгина сиёсий мафкуралар инқирозга учраб, ўз мавқеини йўқотиб борганида со-

циал-демократия мафкураси ўз таъсирини ошириб борар эди. У сиёсий фикрнинг турли йўналишларидаги ютуқларини интеграциялаштира олди, кенг аҳоли қатламлари: меҳнаткашлар, зиёлилар, тадбиркорларнинг манфаатларини ифода-лайдиган мафкурани яратди. Буларнинг ҳаммаси социал-демократия мафкурасига катта қизиқишни уйғотмоқда.


Ўзбекистонда 1995 йилда ташкил этилган ягона социал-демократик партия — Ўзбекистон «Адолат» СДП дастури миллий ўзлгимиз, мустақил тараққиёт йўлимиз асосий тамойилларига таянилиб, жаҳон социал-демократик ҳаракатининг энг муҳим қадриятлари асосида тузилган. Партия бугунги кунга келиб ўз дастурий мақсадларини амалга оширишда катта тажрибага эга бўлди, десак муболага бўлмайди. Нунки улар мамлакат сиёсий майдонида ўз мавқеларини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бунинг биргина сайловдан сайловгача бўлган даврнинг ўзи ҳам исботлаб турибди.

Акмал САМЕДЖОНОВ

Натижадан барча мамнун

Грузияда ўтган парламент сайловларида мухолиф коалиция ғалаба қозонди. Президент Михаил Саакашвили ҳукмрон партия мағлубиятини тан олди.

Сайлов тугаганидан сўнг ҳарикки томон етакчилари ғалабага эришганини даъво қилганига қарамай, бир кун ўтар-ўтмас Саакашвили унинг "Бирлашган миллий ҳаракати" партияси сайловларни бой берганини тан олиб, муҳолифатдан янги ҳукумат тузишда ёрдамчини аямаслигини айтди. Янги парламент энди янги бош вазирни сайлайди. Янги конституцияга биноан келаси йилдан бошлаб президентнинг айрим ваколатлари бош вазирга ўтади ва бу лавозимнинг нуфузи ошади. Мамлакат конституциясига киритилган ўзгартишларга биноан Грузия янги




йилдан бошлаб парламент республикаси бўлади. 2013 йили ўтадиган президент сайлови-дан сўнг ҳокимият парламент ва ҳукумат қўлига ўтади. Ҳуку-

Ҳайдовчисиз автомобиллар...

Google асосчиси Сергей Брин фикрича, автоном компьютердан бошқариладиган ҳайдовчисиз автомобиллар ҳозиргидан кўра хавфсизроқ бўлади.

Британиядаги электротехника ва электроника Институти эса 2040 йилга бориб одамларга ҳайдовчилик гувоҳнома-си керак бўлмаслигини тахмин қилмоқда. Чунки бу вақтга келиб йўловчиларни белгиланган жойга автоматлаштирилган ўзиюар машиналар етказиб қўяди.

Статистик маълумотларга кўра, дунёдаги бахтсиз ҳодисаларнинг тахминан 90 фоизи ҳайдовчиларнинг хатоси туфайли юз бермоқда. Шунинг учун ҳам турли фирма ва



компаниялар, шу жумладан, Audi, BMW, GM, Google, Mercedes, Volkswagen ва Volvo инсониятни транспорт воситасини бошқаришдан халос этадиган, хавфсиз транспорт яратишга катта малбағ сарфламоқда.

Хусусан, Google нинг автоном компьютер ёрдамида бошқарилган автомобили АКШ йўллари бўйлаб 480 минг километрдан ортиқ масофани авариясиз босиб ўтган.

Хорижий манбалар асосида тайёрланди

Уруш яраси битмас яра

Афғонистонда болаларнинг тўйиб овқат емасликлари билан боғлиқ аҳвол худди дунёнинг очарчилик ҳукм сурган ҳудудларидаги аҳволга тенг. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги ҳисоботида шу ҳақда сўз боради.



Ҳисобот тафсилотларидан аён бўлишича, Афғонистон жанубида 30 фоизга яқин бола ўта нимжон аҳволда. Халқаро ташкилот бошқа ёрдам ташкилотлари билан бирга муаммонинг бор қўламини ўрганиш устида иш олиб бормоқда. Агар тадқиқот натижаларига қаралса, Афғонистонда беш ёшдан кичик бўлган бир миллионга яқин бола тўйиб овқат емайди. Ушбу муаммодан энг жиддий азоб чекаётган минтақалар сифатида эса ўтган 10 йил ичида энг қақшатқич жанглarga сахна бўлаётган жанубий Қандаҳор ва Хилманд вилоятлари тилга олинади.

БМТнинг Афғонистон бўйича махсус вакили муовини Майкл Кеатингнинг айтишича, Афғонистонда ўттиз фоизга яқин бола ўткир тўйиб овқатланмаслик муаммосидан азоб чекади. Агар бу рақам ўттиз фоиздан ошса, бу ўзи очарчилик нишонаси ҳисобланади.

Социал-демократлар номзоди аниқланди

Германиянинг бош мухолиф партияси — социал-демократлар мамлакат канцлери лавозимига номзодни белгилашди. 65 ёшли собиқ молия вазир Пер Штайнбрюк (Peer Steinbrueck) социал-демократлар номзоди сифатида илгари сурилди.

Илгарироқ партия вакиллари ўзларининг парламентдаги фракцияси раҳбари Франк Вальтер Штайнмайер ва ГСДП раиси Зигмар Габриэл номзодини илгари суришганди.

Ички партиявий сўровларга қараганда, Штайнбрюк ўтган галги сайловларда ГСДП номзоди сифатида Ангела Меркелга ютқазиб қўйган Штайнмайердан кўра обурлироқ, Бироқ Штайнбрюкни хаддан ташқари консерватив сиёсий қарашлари учун танқид қилаётган партиядошлари ҳам йўқ эмас. Айни пайтда у ўзининг асосий молиявий дастурларини ҳам тақдим этди. Унга кўра, мабодо ҳокимият тепасига келса, йирик банкларни бўлиш ва менеджерларнинг маошларини чеклашга ваъда бермоқда.



Феруз ЖЎРАЕВ,
“Adolat” мухбири

Сўнгги саҳифа

Миллий тиббиёт:
тараққиётнинг янги босқичи

Давом. Боши 1-бетда

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятлардан яна бири бу ихтисослашган тиббиётдир. Айни пайтда тизимда хирургия, урология, кўз микрохирургияси, кардиология йўналишларда 10 та республика ихтисослашган маркази ташкил этилиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Шунингдек, скрининг ва перинатал марказининг кенг тизими жорий этилди. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ҳар икки тизим марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бугунги кунда Соғлиқни сақлаш тизимида жами 9 та тиббиёт олий таълим муассасаси, шу жумладан, 1 академия, 5 институт ва уларнинг филиаллари ҳамда 78 та тиббиёт коллежи ва 13 та тиббиёт олий таълим муассасаси қошидаги академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассис тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 20 майдаги Қарорига мувофиқ, Тошкент тиббиёт академиясининг 7 та талабалар турар-жойларида қайта таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, академик қошида замонавий тиббий-техника, молекуляр-хужайралар, фармакологик ва биологик тадқиқотлар лабораторияси қурилиши режалаштирилган.



Бундан ташқари, 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт олий ўқув юртлири қошида олий маълумотли ҳамшира тайёрлаш бўлимлари очилди. Бугунги кунда «Олий ҳамширалик иши» бўлимлари барча тиббиёт институтлари ва уларнинг филиалларида фаолият кўрсатмоқда.

ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқ бўйи ва МДХ бўйича ҳудудий идораси томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлари реги-

онал модель сифатида тан олинди.

2007 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тиббий хизмат кўрсатиш бўйича миллий модель юқори баҳоланди ва бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этилди. Бу соҳада эришган ютуқларимизнинг яққол далолатидир.

2011 йил Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли — «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтинг-

ида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилгани ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлади.

Анжуманда таъкидланганидек, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида эришган бундай ютуқлар 2011 йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуйидаги халқаро

симпозиумидаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари ва 50 га яқин давлатлар томонидан юксак баҳоланди. Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга мутасаддилар томонидан тегишли жавоб қайтарилди.

Рустам АХМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири

Танловга марҳамат!

Асосий Қонунимиз —
юксалишлар кафолати

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг йигирма йиллиги яқинлашиб келмоқда. Халқимиз бу қутлуғ санани муносиб равишда қутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш бу тарихий ҳужжатда янги жамиятимизнинг бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсади ўз ифодасини топган.

Ўтган йигирма йил ичида бу борада улкан тарихий ишлар амалга оширилди. Чунинчи, мамлакатимизда ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиёти асослари шаклланди, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот соҳаси чуқур ислоҳ қилинди, жамият ҳаётида ижтимоий адолат принциплари қарор топди, ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини тўла намоён этиш, самарали меҳнати натижаларидан тўла баҳраманд бўлиш, тadbirkorлик ва ишбилармонлик билан шугулланиш учун зарур имкониятлар яратиб берилди. «Адолат» социал-демократик партияси ҳаракат дастурида кўзда тутилган бу вазифалар мамлакатимизда босқичма-босқич амалга ошиётгани, бунда партиямиз аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги, айниқса, қувонарлидир.

Бу ишга янада муштазамлик баҳи этиш мақсадида тахририятимиз Конституциямизнинг 20 йиллиги муносабати билан энг яхши мақола, суҳбат, репортаж ва лавҳалар танловини эълон қилади.

Танловга ҳавола этилган материалларда:

- Конституциямизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти;
- ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат тамойиллини амалга ошириш борасида эришган ютуқларимиз;
- инсон манфаатлари мамлакатимизда энг олий қадрият эканлиги;
- қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигини таъминлаш;
- ижтимоий ҳамкорлик, ҳуқуқий маданият, жамоат назорати, бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойиллари, қайта тикланувчи энергия манбалари, инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш каби мавзулар ўз ифодасини топиши зарур.

Танлов Конституциямизнинг 20 йиллиги арафасида ажунанади.

Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар топширилади:

Битта биринчи ўрин —

энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдориди;

Битта иккинчи ўрин —

энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдориди;

Иккита учинчи ўрин —

энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдориди.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри,

«Шарқ тонги» кўчаси. 23-уй

Боғланиш телефони: 288-42-20; 288-42-23 (141)

Дилкаш инсон эди

таниқли сиёсий шарҳловчи
Талъат Солиев ҳақида сўз


Хотира

Ўз туғилган тупроғини севмаган инсон Ватанининг қадрига етиши дарғумон. Таниқли шоир Расул Ҳамзатов: «Ватан ўз уйингдан бошланади», деганда қанчалар ҳақ эди. Шу моънода Талъат Солиевга ҳавас қилиш мумкин эди. У ўзи туғилиб ўсган, оғушида камолга етган қадимий кент — Қўқонни бир умр ардоқлаб ўтди.

Айрим одамлар бир йилда бир марта ҳам ўз туғилиб ўсган шаҳрига бориб келмаслиги мумкин, аммо Талъат ака Қўқондан оёғини узмасди. Ўйлаб қолсан, 75 йиллик умри давомида Қамчиқ довонидан неча марта ҳатлаб ўтди экан... Дарёдек тошган соғинч олдида тоғлар ҳам чикора экан-да, ҳатто унинг номи Қамчиқ бўлса ҳам. Ватан, киндик қони тоғдан тупроқ шу қадар азияу ла-зиз.

Таниганлар яхши билади — Талъат акадан ҳол-аҳвол сўра-

сангиз, ҳар доим «ўртача», деб жавоб қайтарарди. Ёки шо-гирдлари нимадандир ҳовли-каётганини кўрса, «Камтарроқ бўлайлик», дея синиққина жил-майиб кўярди. Аммо устоз ай-рим тенгқурларига ўхшаб, кам-тарлик шудир-да, дея дўкон-дастгоҳини йиғиштириб қўй-мади. Гарчи «ишларим ўрта-ча», деб қўйса ҳам «ўртача»-лик, «ўртамиёна»-лик устоз ҳаётига, ижодига бутунлай ёт эди. Ўртамиёна ишлаб юрган, ижодни тирикчиликка айланти-риб қўйган инсонларни ёқтир-



масди. Ўзи эса ҳар доим иш билан банд бўларди. У киши-даги шахд, шижоат, ҳафсала ҳаётини хулосалар, донишман-дона қарашлар билан уйғунла-шиб, янада теранлашганди...

Талъат Солиевнинг ўлими кўпчиликни афсуслантирди. Бир яхши инсон ҳаётдан кетганини эътироф этишди. Зеро, яхши инсонлар ҳаётдан кетган-лари билан улар хотираларга кўчадилар...

Холиёр АБДИЕВ

Инсонийлик унутилганда...

Мулоҳаза

2012 йилнинг 14 июли. Тун. Навоий вилояти, Кармана тумани, Ҳазора қишлоғидаги тўй ни-ҳоят якунига етди. Аста-секин меҳмонлар тар-қала бошлади. Неъмат (исми ўзгартirilган — М.Р.) ҳам қоронғи кўчада уйи томонга кетиб борарди. Аммо уни уйку боса бошлади. Ас-фальт унга юмшоқ кўрпачадек бўлиб туюлди. Мастлик, йиғитни ана шу «кўрпача» устига чўзи-лишга мажбур этди. Шу вақт транспорт воси-тасини бошқариб келаётган ҳайдовчи асфальт устида ётган кимсани кўрмай қолди.

Ҳайдовчи жабрдийдага ёрдам кўрсатмасдан воқеа жойидан қочиб кетди.

— Шу куни навбатчиликда эдим — дейди биз билан суҳ-батда Кармана тумани «Мар-казий тез тиббий ёрдам» бўли-ми шифокори Рамазон Нози-мов. — Тунги соат иккиларда бир йиғит велосипедда келиб, йўлда ҳамма ёғи қон одам ётганлигини айтиб, уни маши-на уриб юборган бўлса керак, деди. Мен дарҳол профилак-тика инспекторига кўнғироқ қилдим ва воқеа жойига кел-дим. Ҳақиқатан ҳам бир одам йўлнинг қатнов қисмида қонга беланиб ётарди. Унинг томи-рини ушлаб кўрдим, тирик экан. Шошилиб тез тиббий ёрдам касалхонасига олиб кет-дик.

Туман ИИБ ХООБ профилак-тика инспектори Шайхиддин Севинов хикоя қилади:

— Йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги хабарни олишим билан воқеа жойига етиб бор-дим. Жабрланувчини шифо-корлар билан бирга машина-га чиқардик. Туман ички иш-лар бўлимига ҳамда ҳудудда хизмат олиб бораётган йўл-патруль хизмати инспекторла-рига хабар бердим.

Профилактика инспектори-дан хабар олган йўл-патруль хизмати инспектори Исмоил Сафаров воқеа жойига келаёт-ти теварак-атрофни, ўтаётган машиналарни синчковлик билан кузатди.

— Воқеа жойига келаётган-да йўлнинг қоронғи жойида

турган «Тико» автомобиллини кўриб тўхтадим, — дейди На-воий вилояти ИИБ ЙХХБ ин-спектори И.Сафаров. — Ҳайдов-чидан ҳужжатларини олар экан-ман, бу ерда нима қилиб ўти-ришганлиги билан қизиқдим. Гап орасида транспорт воси-тасини ҳам бир сидра кўздан кечирдим. Атроф қоронғи бўлганлиги учун уни яхшилаб кўришга имкон бўлмади. Шу сабабли ҳайдовчига, ортимдан ҳайданг, деб воқеа жойига бўлган. Лекин «Тико» автомо-били у ерга келмади.

Воқеа тўғрисида хабар олинган заҳоти зудликда «Тўсиб ушлаш» тадбири эълон қилинди. Ички ишлар бўлими-нинг барча шахсий таркиби оёққа турди. Улар орасида бўлган И.Сафаров воқеа жойи-га кела туриб учратган «Тико» автомобили ва таъшишли ҳолатда ўтирган ҳайдовчиси-ни эсга олиб қолди. Дарҳол чўнтагидан ҳайдовчининг ҳуж-жатларини олиб, манзилига қаради.

— Автомобиль ҳужжатлари-да ёзилган манзил шу яқин ат-рофда эди, — дейди И.Сафа-ров. — Шериги билан тезда ўша манзилга қараб юрдик. Биз етиб борганимизда ҳай-довчи автомобиль баллонла-рини алмаштириб, машина ос-тидаги қон доғларини юваёт-ган экан. Бизни кўриб довди-раганча ерга ўтириб қолди. Биз ундан воқеа тўғрисида



сўраганимизда, бошини эгга-ничка айбини бўйнига олди.

Худойкул Ҳасимов «Тико» ма-шинасида Бобомурод исми-тагани билан тўйдан қайтиб кетаётган эди. Улар ўзаро суҳ-батга берилиб кетишганлиги туфайли йўлда ётган одамни пайқамай қолишди. «Тико» ма-шинаси ниманингдур устига чиқиб кетиб, қаттиқ чайқал-ганича тўхтаб қолди. Биринчи бўлиб Бобомурод тушди. У ма-шина олдида ўтди-ю, бошини чангаллаб қолди.

Ғилдирақлар остида ётган одамни кўриб унинг қалагаи учиб кетди. Унга шайтон «Қоч, ҳали ҳеч ким кўргани йўқ, ум-ринг қамқоқда чиришини ҳоҳлайсанми, қоч деган овоз берди. Ҳайдовчи машинасига қайтиб ўтирди ва уни орқага юргизмоқчи бўлди. Лекин «Тико» автомашинасининг таг қисми паст бўлгани боис ма-шина ўрнидан қўзғалмади. Унинг уринишини кўрган Бо-бомурод югуриб келиб, маши-нанинг олди томонини кўтариб юборди. Машина бир силки-ниб ортага тисарилди.

— Ўтир машинага, тез бўл! — деди Худойкул Бобомуро-дга.

— Тўхтаг, буни касалхона-га олиб бориш керак, — деди анча ўзига келиб қолган Бобо-мурод.

Аммо Худойкул тўғри мас-лаҳатга қулоқ осиб ўрнига шайтон измига бўйсунди, воқеа жойидан қочиб кетди. Бир жабрдийда қон-қора қони-га беланиб, кимсасиз кўчада,

тақдир измида қолди. Шифо-корлар бутун маҳоратларини ишга солиб Неъматнинг ҳаёти-ни асраб қолиш учун курашиш-ди. Олинган жароҳатлар огир, бунинг устига ўз вақтида би-ринчи тиббий ёрдам кўрсати-лмаганлиги туфайли унинг ҳаётини асраб қолиш анча мушкул бўлди.

Албатта, мақоладан мақсад кимларнидир айблаш ёки яра-сига туз сепиш эмас, балки шу воқеа сабаб айрим муло-ҳазаларни сизга ҳавола этиш. Гап ичкилик тўғрисида кетмок-да. Ўйлаб кўринг, агар жабр-ланувчи маст бўлмаганда, у йўлда ухлаб қолмаганда, фо-жеа юз бермас эди. Агар тўй-ҳашамларда спиртли ичимлик ичаётган ёшларни ёши улуг кексаларимиз ўз вақтида тар-тибга қайиришганида эди, фа-локатнинг олди олинган бўларди. Балки ҳозир ҳам қаердадир тўй авжига чиқиб, кимлардир меъёридан ортиқ равишда спиртли ичимлик ичаётгандир. Энг аянчлиси, яна кимлардир лоқайд тарзда уларни жимгина кузатиб тур-гандир. Агар биз биргалашиб бу иллатга қарши курашмас эканмиз, оқ арок ўзининг қора қилмишларини давом эттира-веради.

Мансуржон РИХСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЙХХББ катта инспектори,
подполковник
Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Икбол МИРЗО, Мамазир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қолир ЖўРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Ялловий тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс); Котибият — 288-42-06 (148).
Навбатчи муҳаррир — Уллубек РАҲИМОВ.
Навбатчи — Ойбек ТОҶИБОВЕВ.

«Adolat»дан кўчириб босиб тахририят рухсати билан амалга оширилади.

ГАЗЕТА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217

«Шарқ» НМАК Босмахонасида чоп этилди. Қорихона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—1000. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А-2. Адади — 6374. Босишга топширилган вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.50

1 2 4 5